



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

№ 18 (4573) // 2020-yil 29-may

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТ СОЊАСИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ ВА ТАЪСИРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш, янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодиёти ва хаваскорлик санъатини янада омалаштириш, юртимизнинг жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлаш, маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан:

Биринчида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди;

Иккинчида. маданият ва санъат ташкилотларининг “дўстлар клублари” фаолиятини йўлга қўйиш орқали уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича мулкка янгича самарали тизим яратилди;

Учинчида. музейлар реновация дастури қабул қилинди, ўзбек халқининг қўхна ва бетакор санъати намунаси бўлган “Хоразм лағзиси” ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритилди;

Тўртинчида. маданий мерос объектлари ва санъат ашёларини реставрация қилиш бўйича миллий мактаб, шунингдек, халқ чолгулари, миллий рақс, мақом йўналишларида республика кўрик-танловлари қайта тикланди;

Бешинчида. мамлакатимизда мунтазам равишда ўтказиладиган Халқаро мақом санъати анжумани, Халқаро бахшичилик санъати фестивали, “Шарк тароналари” халқаро мусика фестивали, “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор санъати фестивали ҳамда “Рақс сеҳри” халқаро фестивали ташкил этилиб, ўзбек мумтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналари ва анъаналарини ҳамда маданий мулоқотини янада ривожлантириш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Концепцияни амалга ошириш, соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, юқори малакали

кадрларни тайёрлаш, истеъдодли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини мусика дарсликлари, ноталар тўпламлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг яхлит тизими яратилмаган.

Аҳоли, айниқса, олис ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларга маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, бунинг учун республиканинг барча ҳудудларида театр, музей, кўча цирк ва хайвонот боғлари фаолиятини доимий равишда йўлга қўйиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Оқоридаги вазифаларни самарали амалга ошириш, маданият ва санъат соҳасидаги ислохотларни жадал давом эттириш, маданият органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
2020–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъатни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясининг 2021–2025 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси Концепцияни амалга ошириш бўйича “Йўл хариталари” ва чора-тадбирлар дастурларини қабул қилишда мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича тадбирларни назарда тутсин.

2. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб:
концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш, лицензияларнинг давлат реестрини юритиш, уларнинг фаолияти ва эришган натижалари ҳақидаги ахборотларни киритиб бориш **Концерт-томоша фаолияти интешрикларининг ягона онлайн портали** орқали амалга оширилади;
концерт-томоша тадбирига бир марталик рухсатнома бериш учун ундириладиган **янгим бекор қилинади;**

давлат органлари ва ташкилотларининг асосий вазифа ва функцияларидан келиб чиқиб, уларнинг ташаббуслари билан ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирлари ҳар йили тасдиқланадиган **оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг календарь режалари** (кейинги ўринларда – календарь режалар) асосида ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг календарь режаларда назарда тутилмаган давлат тадбирларини ўтказишни назарда тутувчи қарорларида ушбу тадбирларни ташкил этиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар бўйича **буюртмачилар ҳамда уларни молиялаштириш манбалари** кўрсатилади; концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи шахслар томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг буюртмаларига асосан кўрсатиладиган барча хизматлар **ёзма ва ҳақ эвазига тузиладиган шартнома асосида** тақдим этилади, концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи давлат муассасалари ходимлари билан тузилган меҳнат шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бундан мустасно.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (кейинги ўринларда – Маданият вазирлиги) ва бошқа давлат органлари томонидан давлат тадбирлари ва бошқа тадбирларга ижодкорлар ва икросчиларнинг жамоатчилик асосида жалб қилинишига йўл қўйилмаслиги белгилансин.

4. Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб **ноталар тўпламлари ва махсус мусикий адабиётларни** Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан чоп этилишини ва уларнинг таълим муассасаларига тўлиқ етказилишини таъминласин.

5. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари тизимидаги концерт, маданият саройлари ва бошқа муассасаларда **тўлиқ жонли ижро асосида** ўтказилган концерт дастурлари учун ижара тўловидан **50 фоиз** чеғирма бериш тартиби жорий этилсин.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6000-сон Фармониға мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (кейинги ўринларда – Маданият вазирлиги) фаолиятининг самардорлигини ошириш мақсадида:

“Ахборот ва компьютер технологиялари маркази” давлат муассасаси “**Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва ахборот-мультимедиа маркази**” давлат муассасаси этиб қайта номлансин;

Маданият ва санъат кўргазмаси ҳамда Ёшлар маданият ва санъат маркази тугатилсин, уларнинг бюджетдан молиялаштириладиган штаб бириклари, балансида бўлган бинолар ҳамда бошқа моддий-техника воситалари Маданият вазирлигига ўтказилсин;

Маданият вазирлиги хузуридаги Маданий мерос департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) ва унинг барча худудий бошқармалари тузилмасида тегишлича юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Бадий экспертиза бошқармаси ҳамда бадий экспертиза бўлимлари** ташкил этилсин;

Маданият вазирлиги хузуридаги Бадий экспертиза бошқармаси, унинг худудий бўлимлари тугатилсин, уларнинг мавжуд штаб бириклари ҳамда мол-мулклари молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда тегишлича Департамент ҳамда унинг худудий бошқармаларига, пул маблағлари эса – Департаментнинг бюджетдан ташқари Маданий мерос жамғармасига ўтказилсин;

Маданият вазирлиги хузуридаги “**Маданий мерос тиклаш-таъмирлаш**” давлат унитар корхонаси ҳамда Департамент хузуридаги “**Мерос чашмаси**” давлат унитар корхонаси тугатилсин, уларга хўжалик юритиш, оператив бошқарув ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган бинолар ҳамда бошқа моддий-техника воситалари белгиланган тартибда Маданий мерос илмий-тадқиқот институтига ўтказилсин;



Андижон мамлакатимизнинг табиати гўзал, қадимий масканларидан бири. У дунёга машҳур алим шoirлар, миришкор дехқон зукко тадбиркорлар замини. Шоҳ ва шoir Заҳриддин Муҳаммад Бобур, шoirлар дaврон Нодиробегим, утган аср янги ўзбек адабиётининг ушқан намоёниси Абдулҳамид Чўлпон, эл суйган санъаткор Аббос Бақиров сингари юзлаб дунёга машҳур инсонларга бешик бўлган юртидир. Андижонликлар учун ҳар соҳада янгиликка интилиш ва кенг қўламли ислохотлар олиб бориш қондалик турмуш тарзига айланган.

АНДИЖОНЛИКЛАРНИНГ ОРЗУЛАРИ УШАЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбари 21-22 май кунлари амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, кишлоқ хўжалиги ва саноат қорхоналари фаолияти билан танишиш мақсадида вилоятимизга ташриф буюрди. Андижоннинг қатор туманларида қўллаб-қувватлаш эришилган илгор иш тажрибалари билан танишиб, ташаббускорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаб, тегишли маслаҳатлар берди. Жумладан, Олтинкўл туманидаги “Қўхна водий баҳори” фермер хўжалигида етиштирилган галла ва гўза ривожини кўздан кечириб, гўза қатор ораларига соя ўсимлигини экиш юзасидан Андижон тажрибасини яратиш бўйича кўрсатма берди. Шунингдек, Андижон шаҳридаги “ВБМ Текстил груп” МЧЖга қарашли экспорттоп тикувчилик махсуслотлари ишлаб чиқарадиган 1200 янги иш ўрни яратилган замонавий қорхона билан танишди. Президентнинг ушбу қорхонага ташрифи давомида 2020-2021 йиллар вилоятда амалга оширилиши кўзда тутилган инвестиция лойиҳалари тақдими ўтказилиб, унда 954 истиқболли лойиҳа асосида 68 мингдан зиёд иш ўрни яратилиши кўрсатиб ўтилди.


Шаронтинни яхшилаш кун тартибиде турган доимий вазифа ҳисобланади. Кейинги икки йил давомида шаҳарда 1 минг 789 хонадондан иборат 41 та кўп қаватли уй қурилди. Жумладан, Андижон шаҳрининг янги шаҳар деб номланувчи қисмида 2019 йилда 20 та 7 қаватли, 2 та 16 қаватли уйлар барпо этилди. Президентимиз сафари давомида Республикада Тошкент шаҳридан кейин иккинчи, вилоятлар орасида биринчи ҳисобланган Андижон шаҳрида янги ишга туширилган “Digital City” (“Рақамли шаҳар”) технопарк фаолияти, Богшамол даҳасига туташган Хўжаобод тумани адирликлариде кейинги йилларда бунёд этилган янги шаҳарча сингари бир қатор замонавий бунёдкорлик намуналари билан танишиб, “Замонавий кишлоқ” лойиҳаси тақдимида иштирок этди. Марҳамат туманидаги “Водий ҳамкор агрофирмаси” томонидан ташкил этилган қуёнчилик кластери бир гектардан зиёд майдонни эгаллаган бўлиб, унда 50 та оила иш билан таъминланди. Қорхонада тери ошлаш ва телпак тикшиш цехи ҳам ташкил этиш орқали 20 та қўшимча иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Вилоятда адабиётга, ижод ахлига кўрсатилаётган эътибор ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Халқимиз қалбидан чуқур жой олган Ўзбекистон халқ

шoirи Муҳаммад Юсуф тугилган Қовунчи қишлоғида қатта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шoir тугилиб ўсган хонадонда замонавий ва миллий меъморчилик услубида уй-музей бунёд этилди. Ушбу мухташам адабиёт маскани шoirнинг таваллуд қуни арафасида қуриб битказилди ва атрофига турли манзарали дарахтлар экилиб, ободонлаштирилди. Эндиликда бу қутлуғ масканга келаятган шерьият мухлислари учун барча шароитлар мавжуд. Қолаверса, шoir таҳсил олган 25-умумтаълим мактаби мукамал таъмирланиб, қўшимча янги ўқув биноси қад ростланди. Замонавий шарт-шароитларга эга мактабда янги қутубхона, ошхона, иккита спорт майдончаси қуриб, фойдаланишга топширилди. Мактаб ҳовлисида шoir бюсти ўрнатилиб, атрофи гулзор ва боғларга бурканди. Шoir мангу ором топан қабристон ҳам ободонлаштирилди. Шунингдек, шoir қишлоғига борадиган йўллар – Асака шаҳридан Марҳамат тумани марказигача бўлган шохқўча кенгайтирилиб, қайта асфальт ётқизилди. Йўлгирма чакиримдан зиёд масофали бу йўлга туташ Қовунчи қишлоғи кўчаларигача бўлган йўллар таъмирдан чиқарилиди.

Президентимиз сафар давомида вилоят аҳолисининг турмуш шароитини янада яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш, уй-жойга мухтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, таълим сифатини ошириш, хотин-қизларга алоҳида қўмақ бериш сингари қўллаб масалаларни ўз вақтида ҳал этиш масъулиятини таъкидлаб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга сафари кейинги йилларда амалга оширилган ишларимиз сарҳисоби бўлиши билан бирга олдимизда халққа сadoқат билан хизмат қилиш йўлидаги бунёдкорлик ишларининг янги босқичини белгилаб берди.

Хуришда ВАХОБЖОН кизи,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Андижон вилояти бўлими раҳбари



Тўғри, жаҳонда ҳар бир халқнинг ўз адабиёти ва маданиятини бамисоли кўзгудек акс эттириладиган боғлар, музейлар, кутубхоналар, санъат муассасалари бор. Лекин айнан Адиллар хийбони каби мамлакат пойтахтининг қоқ марказида, сўлим бир гўшада, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг улғвур биносига ато этилган назар қанчалар улғвур, қанчалар шухуҳли эканига башарият беш юз йилдири, гувоҳ, шохил! Ҳазратдан сўнг яна ўнлаб улғвур шoirлар, мутафаккирлар бизнинг заминдан етишиб чиқиб, кўларга бўйлади, ўз исмини, асарларини адабиётнинг олтин хазинасига муҳр этди. Маълумки, ҳар бир халқнинг маънавий қиёфаси, аввало, унинг адабиёти, бадий, илмий, сиёсий тафаккирлар билан ўлчанади. Қалби ақлдан озукланган, меҳрдан тобланган, иймондан офтобланган, ўзю сўзи бир инсоннинг чехраси нурланиб туради. Бундай истеъдод соҳибларининг нафақат халқига, балки дунё афғор

Махмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шoirи АДИБЛАР ХИЁБОНИ – МАЪРИФАТ БЎСТОНИ

Шу фикрни қомил ишонч билан айтгим келади,
бугун Ўзбекистон ижодкорлари қўраётган эътибор,
Президентимиз томонидан қилинаётган юксак
гамхўрлик, айни пайтда қалам соҳиблари дилидан
кечаётган ифтихору сурурнинг ниҳояси йўқ. Баралла
айтганда, бундай саодат, бундай қувонч дунёнинг бошқа
мамлакатларидаги ижодкорларга насиб этмаган!

оммасига айтадиган фикри бўлади. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ижод оламида башарият даҳоси дейилади. Улғв шoirимизга юксак хурмат ва эҳтиромимизни сақлаган ҳолда бир жихатни ҳам айтишимиз лозим, албатта. Шукрим, Навоийдан олдин ҳам, кейин ҳам фойдаланиш билан яшаб ўтган, завқу шавқ билан қалам тебратган, Шарк мумтоз адабиёти ҳамда замонавий ўзбек адабиёти ривожини, шон-шухратини учун муносиб ҳисса қўшган улғв аждодларимиз, дилбар шoirу адибларимиз бор. Шубҳасиз, улар билан ҳам фахрланамиз. Инчунун, Президентимиз Адиллар хийбонида, Алишер Навоий ва бошқа улғв адибларимиз хайкаллари қошида туриб, адабиётимиз истиқболни учун қуяниб айтган гаплари, илгари сурган фикр ва тақлифлари ўзини билат қамолга дахлдор билган барча қалам ахли учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТ СОҲАСИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ ВА ТАЪСИРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

6. Маданият ва санъат соҳаси вакилларининг Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатасини (кейинги ўринларда – Палата) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, Палата мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган ташкилот ҳисобланади.

Маданият вазирлиги Палата фаолиятининг дастлабки босқичларида уни қўллаб-қувватлаш учун Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 миллиард сўм ажрати-лишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А.Мусаев, маданият вазири О.А.Назарбеков Палата ҳамда мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган бошқа ташкилотлар фаолиятини ташкил этишга ҳар томонлама қўмаклашсин.

7. Белгилансинки, мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар уларга бевосита ҳуқуқ эгалари ёки уларнинг меросхўр-лари томонидан берилган ваколатлар доирасида даъво билан судга мурожаат қилган тақдирда давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб оли-нади.

8. Маданият вазирлиги томонидан харид қилинган, оммавий ижрога мўлжалланган драма-тик, мусикали ва мусикали-драматик асарларни 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб хусусий театр-ларда ҳам сахналаштириш ва ижро этишга рухсат берилсин.

Бунда, хусусий театрларда сахналаштирил-ган ҳамда ижро этилган асарлар учун муаллиф-лик ҳақи тўлаш Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғар-масига ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва ушбу жамғарманинг бошқа даромадлари доира-сида амалга оширилиши белгилансин.

9. Бой тарихи, ўзбек миллий кўғирчоқ театри мактабининг шаклланиши ва ривожидида бекёкс хиссасини ишобатга олиб, Республика кўғирчоқ театрига Ўзбек Миллий кўғирчоқ театри номи берилсин.

Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги Навоий, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоят-лари ҳокимликлари билан биргаликда икки ой

муддатда ушбу вилоятларда кўғирчоқ театрла-рини ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат қаро-ри лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий та-раққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазир-лиги, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қурилиш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг 2021–2023 йилларга мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуруда 2021 йилда Навоий, Наманган, Сирдарё, Қашқадарё, Хоразм ва Тошкент вилоят-лари кўғирчоқ театрлари биноларини қуриш, уларга ажратилган биноларни реконструкция қилиш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишларини назарда тутсин;

2020 йилга мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлан-тириш дастури доирасида мақбуллаштирилган маблағлар ҳисобидан “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасасининг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, қўшимча равишда ҳай-вонларни сақлаш хоналарини қуриш ҳамда за-монавий ускуналар билан жиҳозлаш ишлари-нинг тўлиқ молиялаштирилишини, шунингдек, қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари-ни жорий йил охирига қадар тўлиқ якунига ет-казиб, фойдаланишга топширилишини таъмин-ласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Маданият вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргали-кда 2020–2021 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар бюджетлари маблағлари ҳисобидан ҳар бир ҳу-дудда кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гурух-лари) ҳамда ҳайвонот боғлари ташкил этилиши ва доимий фаолият юритишини таъ-минласин.

12. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ: кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гурух-лари) томонидан ўтказиладиган томоша тадбир-ларига оммавий тадбир ўтказиш учун рухсат-нома ва рухсат бериш хусусиятига эга бошқа ҳужжатлари олиш талаб этилмайди, бунда тад-бир ташкилотчилари уни ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида ички ишлар органларини камида 10 кун олдин ёзма равишда хабардор қилади; ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари кўч-ма цирклар (шапито, дорбозлар гурухлари) то-монидан ўтказиладиган томоша тадбирларида жа-

моат тартиби ва ёнғин хавфсизлигини тўлов ундирилмаган ҳолда таъминлайди; давлат органлари ва ташкилотлари тизимида-ги маданият ва истироҳат боғлари, спорт иншо-отлари, сайилгоҳлар ва бошқа очик ҳудудларда кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гурухлари) томонидан томоша тадбирлари ўтказиш учун ижара ва бошқа турдаги тўловлар ундирил-майди;

номоддий маданий мерос объектларини (дор-боз, аския ва лапар) асраш ва улардан фойда-ланиш фаолияти Ўзини ўзи банд қилган фуқа-роларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилмаган фаолият (хизматлар, ишлар) тур-лари рўйхатига кирди (маданият марказлари таркибида фаолият юритаётган шахслар бундан мустасно) ва уларнинг ушбу фаолиятдан олинган даромадларига жисмоний шахслардан олинма-ган даромад солиғи татбиқ этилмайди.

13. Маданият вазирлиги тизимида: Маданият вазирлиги марказий аппарати ту-зилмасида маданият муассасалари ва хаваскор-лик санъатини ривожлантириш, соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва ракам-лаштириш масалаларига масъул вазир ўрин-босари лавозини жорий этилсин;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Ўзбек маком санъати факультети” ҳамда Ўзбе-кистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассис-лари негизда маком ижрочилиги, бахшчилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи таълим оиди таълим муассасаси – Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий му-сика санъати институти ташкил этилсин; давлат муассасаси шаклидаги Маданий ме-рос илмий-тадқиқот институти ташкил этил-син;

Республика ихтисослаштирилган эстра-да ва цирк мактаби Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежи этиб қайта ташкил этилсин;

В.Успенский ва Р.Глиэр номидаги Републи-ка ихтисослаштирилган мусика академик ли-цейлари мактаб-интернатлар учун белгиланган имтиёзларни татбиқ қилган ҳолда тегишлича В.Успенский ва Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика мактабларига ай-лантирилсин.

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузури-даги Иқтисодий болалар академик лицейи ҳамда Тошкент ихтисослаштирилган маданият мак-таби негизда Маданият вазирлиги тизимида

Республика мусика ва санъат коллежи ташкил этилсин;

14. 2020 йил сентябрь ойдан бошлаб дав-лат музейларида ҳар ойнинг биринчи яшанбаси “очик эшиклар куни” деб эълон қилинсин. Белгилансинки, “очик эшиклар куни”да фуқаролар музей ашёлари ва музей коллекцияла-рини кириб кўриш учун давлат музейларига бе-пул киритилади.

15. Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенга-ши ва вилоятлар ҳокимликлари 2020–2025 йил-лар давомида босқичма-босқич ҳар бир туман ва шаҳарда тарих ва маданият давлат музей-ларининг филиаллари шаклида ўлкашунослик музейлари ташкил этилиши ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан моли-ялаштириладиган музейлар, уларнинг филиал ва бўлимлари рўйхатига киритилишини таъминла-син.

16. Ўзбекистон давлат санъат музейига – санъат соҳасидаги, Ўзбекистон тарихи давлат музейига – маданият ва тарих соҳасидаги бар-ча музейлар фаолиятини илмий-тадқиқот ва ме-тодик жиҳатдан мувофиқлаштириш, уларнинг ушбу йўналишлардаги ўзгар хамкорлигини таъ-минлаш, кадрларнинг илмий салоҳиятини оши-риш вазифини юклансин.

Маданият вазирлиги ва Фаолар академияси 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон давлат санъ-ат музейи ва Ўзбекистон тарихи давлат музейи-да музейшунослик, санъатшунослик, маданият-шунослик йўналишларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ихтисослаштирилган ил-мий кенгашлар ва илмий-методик кенгашлар ташкил этиш чораларини кўрсин.

Маданият вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Бадилик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2021 йил 1 январдан бошлаб музейларнинг илмий даража-га эга бўлган ходимларнинг базавий лавозим маошларини ошириш бўйича Вазирлар Маҳка-масига тақлиф киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда етакчи ижодий таш-килотларнинг “дўстлар клублари”ни ташкил

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2020 йил 26 май

этиш бўйича ижодий тажрибасини музейлар соҳасига татбиқ этилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, “Ўзбекино” миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадний академи-яси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбеки-стон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси, Репуб-лика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчиликнинг маданият ва санъатнинг жа-миятимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида тугган ўрнини ҳисобга олиб, соҳа ходимларини қўл-лаб-қувватлаш мақсадида 15 апрель санасини “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъ-ат ходимлари куни” деб эълон қилиш тўғриси-даги тақлифи маъқуллансин.

Маданият вазирлиги ўн кун муддатда “Ўзбеки-стон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни”ни белгилаш бўйича қонун лойиҳасини белги-ланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 2019 йил 14 январдаги “Давлат ак-тивларини бошқариш, монополияга қарши курашни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5630-сон Фармони 6-бандининг “а” кичик банди бирин-чи хатбошиси “давлат мулкчи ҳисобланган мод-дий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари бундан мустасно” сўзлари билан ўзгаририлсин.

20. Маданият вазирлиги манфаатдор вазир-лик ва идоралар билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Република-си Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қаро-ри лойиҳасини;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қў-шимчалар тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбеки-стон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А.Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

4. Белгилансинки:

Департамент ва унинг тегишли худу-дий бўлимидаги Бадний экспертиза бўшқармаси ва унинг худудий бўлимларининг ҳуқуқла-ри ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳи-собланади;

Департамент ва унинг худудий бош-қармалари таркибидagi Бадний экспе-ртиза бўшқармаси ва бадний экспертиза бўлимлари бошликлари ўз лавозимига кўра тегишлича Департамент ва унинг худудий бошқармалари бошликларининг ўринбосари ҳисобланади;

Департамент ва унинг худудий бош-қармалари таркибидagi Бадний экспе-ртиза бўшқармаси ва бадний экспертиза бўлимларининг штат бирликлари туга-тилаётган Бадний экспертиза бўшқар-маси ва унинг худудий бўлимларининг штат бирликлари ҳамда Ўзбекистон Рес-публикасининг Давлат бюджети ва ко-нун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштири-ладиган қўшимча штат бирликларини ажратиш орқали шакллантирилади;

маданий бойликларини бадний экс-пертизадан ўтказганлик учун махсус йиғимлар Департаментнинг Маданий мерос жамғармасига йўналтирилади.

5. Маданий мерос илмий-тадқиқот институтига (кейинги ўринларда – Ин-ститут) қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда, архитектура-шаҳар-созлик ҳужжатларини яратиш, геодезия ва картография фаолияти, моддий мада-ний мероснинг кўчмас мулк объектлари-ни асрашга доир фаолият турларини те-гишли лицензияларни олмастан амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки: Институт фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг давлат илмий-техникавий дастурларида назар-да тутилган маблағлар, ўз фаолиятдан олган маблағлари, халқаро молия ин-ститути ва бошқа ташкилотларнинг грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисоби-дан молиялаштирилади;

Институт тугатилаётган “Маданий мерос тиклаш-таъмирлаш” ва “Мерос чашмаси” давлат унитар корхоналари-нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўй-ича бўлимидаги Бадний экспертиза бўшқармаси ва унинг худудий бўлимларининг ҳуқуқла-ри ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳи-собланади;

6. Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон-га оид хориздаги маданий бойликлар-ни тадқиқ этиш маркази мавжуд штат бирликлари ва моддий-техника базаси билан тўлиқ ҳажмда, молиялаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбат-лантиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Маданият вазирли-ги тизимида ўтказилсин.

Маданият вазирлиги 2020 йил 1 сен-тябрга қадар Маданият вазирлиги ҳузу-ридаги Ўзбекистонга оид хориздаги ма-даний бойликларни тадқиқ этиш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

7. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Мадания-т вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ; бошқарув ходимлари чекланган сони 81 кишидан иборат Ўзбекистон Респу-бликаси Маданият вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага му-вофиқ; худудий маданият органлари ходим-ларининг чекланган сони 3-иловага му-вофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси мадания-т вазирлиги ходимларининг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида худудий мадания-т органлари тузилмаларини тасдиқлаш, шунингдек, зарур ҳолларда, ушбу тузил-малар ҳамда вазирлик марказий аппара-ти тузилмасига ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Мазкур бандга мувофиқ Маданият вазирлиги ва худудий маданият органла-ри учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштирилади-ган қўшимча 51 та штат бирликлари Маданият ва санъат кўргазмасининг ту-ғатилиши ҳамда Маданият вазирлиги ти-

зимдаги ташкилотларнинг қайта таш-кил этилиши ҳисобига бўшайдиган штат бирликлари ҳисобидан ажратилсин.

8. Ўзбекистон Республикасида мил-лий тадқиқ этиш маркази мавжуд штат бирликлари ва моддий-техника базаси билан тўлиқ ҳажмда, молиялаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбат-лантиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Маданият вазирли-ги тизимида ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаёти-даги ўрни ва таъсири янада оши-риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6000-сон Фармонида белгиланган тартибда ижро этилсин.

9. Маданият вазирлиги: а) икки ҳафта муддатда: ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Република-си маданият вазири ўринбосарларининг улар масъул бўлган аниқ йўналиш ва ва-зифаларини назарда тутувчи функционал вазибаларини тасдиқласин;

б) бир ой муддатда: ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, Маданият вазирлиги марказий аппарати ва янги тузилган бўлимларни зиммасига юклатилган вазибаларнинг самарали бажарилишини юқори про-фессинал даражада таъминлашга қод-ир бўлган малакали мутахассислар билан тўлдирини чораларини кўрсин;

Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Маданият вазирлиги тизимида-ги ташкилотлар томонидан кўрсатила-диган концерт-томоша хизматларининг тарифларини шакллантириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) икки ой муддатда манфаатдор ва-зирлик ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига: Маданият вазирлиги ҳузуридаги Ма-даний мерос илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбир-лари тўғрисидаги; Департамент фаолиятини такомил-лаштириш ва барқарор равишда молия-лаштириш, ходимлари меҳнатини мод-дий рағбатлантиришни кучайтириш, шу жумладан, уларга хизмат қилган умумий иш стаж, илмий унвон ва даражага эга бўлган учун устамалар белгилаш, мод-дий-техника базасини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги;

объектларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўлимларини ташкил этсин;

г) уч ой муддатда Оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг календарь режаларини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Концерт-томоша фаолиятини ли-цензиялаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламенти лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига мада-ният ва санъат муассасаларида Билет

операциялари ягона электрон тизими ишлаб чиқилганлиги маълумот учун ка-бул қилинсин. Маданият вазирлиги: бир ой муддатда Туризмни ривожлан-тириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Оммавий таширф буюрилади-ган моддий маданият меросининг кўч-мас мулк объектлари ва музейлар рўйхатини тасдиқласин;

2021 йил 1 июлга қадар ўз тизими-да театрларнинг кириб-чиқиб жой-ларида театрларнинг ўз маблағлари ва Маданият вазирлигининг моддий рағбат-лаштириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

11. 2021 йил 1 январдан бошлаб дав-лат хизматчилари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тизими жорий этилгу-нига қадар Маданият вазирлиги, худудий маданият бошқармалари, туман ва шаҳар маданият бўлимлари ходимлари учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ушбу харажатлар учун Ма-даният вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғарма-сига ажратилмаган маблағлар ҳисоби-дан моддий рағбатлантиришнинг қуйи-даги турлари жорий этилсин:

кўп йиллик меҳнати учун рағбатлан-тириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффициентларда қуйидаги ҳажмларда ҳар ойда қўшимча пул тўлаш: 2 йилдан 5 йилгача – 0,1; 5 йилдан 10 йилгача – 0,2; 10 йилдан 15 йилгача – 0,3; 15 йил-дан ортиқ – 0,4;

ходимлар фаолиятининг натижадор-лигига кўра иш берувчининг алоҳида буй-руғи билан ўрнатилмаган, лавозим мао-шидан (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда) 100 фоизгача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устам;

хар ойлик озик-овқат учун харажат-ларини қоплаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорда тўловлар;

хар ойлик йўлқира учун харажатлар-ни қоплаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорда тўловлар, хизмат автотранспорти бирик-тирилган ходимлардан ташқари.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2021 йилдан бошлаб Ўзбеки-стон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида мазкур қарорда назарда тутилган харажатларини амалга ошириш учун зарур маблағларни кўзда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг ва Ўзбекистон Республика-си Ҳукуматининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгариш ва қў-шимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг 2006 йил 14 сентябрдаги “Тошкент шаҳрида барпо этилган ма-даният ва санъат кўргазмаси фаоли-ятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПК–467-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Маданият вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой му-датда қонун ҳужжатларига ушбу қарор-дан келиб чиқадиган ўзгариш ва қў-шимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини на-зорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Аб-дувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А.Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2020 йил 26 май

Икром ОТАМУРОД



... Ватан – қадим дунёдир. Ватан – тарих ҳикмати. Ватан – қисматга жодир. Ватан – Ҳақиқат қати.

Ватан – қадим дунёдир. Ватан – суврату сийрат. Ватан – мунирли ёдир. Ватан – малҳаму тийрат.

Ватан – қадим дунёдир. Ватан – жовид садоқат. Ватан – зехну зиёдир. Ватан – тоқатга тоқат.

Ватан – қадим дунёдир. Ватан – нурли нурафшон. Ватан – онда имодир. Ватан – оқибатга шон.

Ватан – қадим дунёдир. Ватан – меҳру мурувват. Ватан – элга баҳодир. Ватан – қангулда қат-қат.

Ватан – қадим дунёдир. Ватан – дунёга қурбат. Ватан – сеҳру синодир. Ватан – дунёга қудрат.

Ватан – қадим дунёдир. Ватан – тарих ҳикмати. Ватан – қисматга жодир. Ватан – Ҳақиқат қати...

... Ҳаёлимга сиғиндим бугун, хотиралар жонланди қайта. Хотиралар сирларин айттар, Ҳаёлимга сиғиндим бугун.

ЖИМИРЛАЙДИ ҲАЁТИ УММОНИ

Ҳаёлимда учрашдик яна, кўзлар тўйиб-тўйиб термилар. Қайта кўрмоқ ширин қанчалар, Ҳаёлимда учрашдик яна.

Жимирлайди Ҳаёт уммони, оқиб кетар тортилган дардлар. Балқиб кетар бехисоб бахтлар, жимирлайди Ҳаёт уммони.

Ҳаёлимга сиғиндим бугун, хотиралар жонланди қайта. Хотиралар сирларин айттар, Ҳаёлимга сиғиндим бугун...

... О, она табиат – мангу синоат, синоат қанчалар қадри эдинг? О, она табиат – бўлиб қаноат, сабри бардошга айлантлардинг.

О, она табиат – сени соғиндим, дардингни, гамингни ўзимга олиб. О, она табиат – руҳингга индим, қайгунинг сирини қайгунга солиб.

О, она табиат – қўйганингча лаб, қандайин эдинг-а, олам имкони. О, она табиат – тонгни бағирлаб қўёш бўлар эди меҳринг қони.

О, она табиат – бир маҳал, бир пайт, кенглик сиймосига интилардинг, оҳ! О, она табиат – яна бир бор қайт – қангунинг тубидан кетмагин, ногоҳ!..

... Гармсел чангалида гувуллаб чанглар саҳронинг бағрини олади қамраб. Гиёҳлар танида дигиллар ранглар, қушлар сийласини тирилар гамлар.

Титқилаб заминнинг қат-қатларини, само пештоқига илади занжир. Борлиқнинг нурафшон тоқатларини силқитиб ташлашни истайди абжир.

Гувуллаб, гўёки, пойма-пой, зотан, ялмамоқ бўлади гармсел, бот-бот. Гармселин зинҳор олмағайдир тан, борлиқнинг қатида мужғалаб сабот...

... Кўп оғир эрур нажот изтироби – лаҳза шитобида мункиб саволлар. Тойлиб таркибин интиқ сироби уланади имтихонга жавоблар.

Боғланади ҳижрон имтихони – сабр, сабр имтихони ҳижронга йўллайди. Муқаддас мавруднинг мавруди кабир, муқаддас сабрнинг мадори қўллайди.

Иноят тақози – қангул макони, қангул макони – тааммул шикан. Бағрига жойлайдир сабр имкони, пайваста сираси таянчли экан.

Сабр илтижоси – имтихон олами – унутмай нурлар синосин кутиш. Ризолик ўйлари, идрок йўллами – имтихон моҳиятин шартидир ўтир.

Кўп оғир эрур нажот изтироби – лаҳза шитобида мункиб саволлар. Тойрилиб таркибин интиқ сироби уланади имтихонга жавоблар...

... Туннинг бағрини чарақлатар ой, туннинг бағрига шуъласин қадаб. Туннинг сатҳини ярақлатар ой, туннинг сатҳига муродин қадаб.

Туннинг имдодига қўрларин тўкиб, туннинг имдодини сириктирар ой. Туннинг ҳодисига нурларин тўкиб, туннинг ҳодисини бириктирар ой.

Туннинг абрларига сеҳрини йўллаб, туннинг абрларини парчалайди ой.

Туннинг шодасига меҳрини йўллаб, туннинг шодасини нақшлайди ой...

... Денгиз қаърасида тўкиб кўз ёшин, дайролар жойлашиб борар тубида. Сеҳр имкони кутиб субҳида, ёруғлар термилиб гум бардошин.

Денгизнинг тимсоли – пайваст оқими, эъозлайди мавжудотлар тушлашиб. Сирғалайди, туюлади хушлашиб, соҳилга бош қўйиб олқар токми.

Денгиз живирлайди, денгиз рой истаб, сукунатга ҳадсизлигини бериб. Мурод умми эшитилар оҳ уриб, тўқиларнинг шивирлаши оҳиста...

... Манзара заминнинг суврати, суврати туфроқнинг жисмида. Харакатнинг сирли қисмида, манзара моҳият қуврати.

Манзара табиат йўсини таржиман холи мувофик. Тезлик тарзин сатҳида зик-зик, зарранинг ўлчовин тўсини.

Манзара иқлимда силтанар, бўронларнинг силсиласида. Фавқулодда илласида мувофик қилтаси қилтанар.

Манзара ҳаракати юқун оламини ягона илайди. Оппок исин хушбўй силайди, бутун пана равшандир сукун.

Манзара оҳиста фузундир, узок ёдга тушади Ҳаёт. Тун йўлаги занглайди, хайхот, жазирала кундуз узундир.

Манзара қангунда уйғонди, майингина қўнган оғрикдир. Атрофда парчалар борлиқдир, гойибона шуълалар қонди...

Манзара иқлимда силтанар, бўронларнинг силсиласида. Фавқулодда илласида мувофик қилтаси қилтанар...

... Тажалли – доимо ғайба бириккан, муяссар бўлар Ҳақ лутфига сирлар. Тўқилар зулматдан ризога нурлар, номаълум маълумга ўтиб бораркан.

Илоҳий зотнинг зоти тажаллиси, сифот тажаллиси – илоҳий зуҳри. Намоён этади илоҳий муҳри, зоҳир бўлиш банди дилининг туси.

Тажалли кўриниш тавҳига розан, ҳар турли жойида ваҳдати вужуд. Ноилӣ хосларга тажалли мавжуд, партавдир феълу солиққа баъзан.

Тажалли – доимо ғайба бириккан, муяссар бўлар Ҳақ лутфига сирлар. Тўқилар зулматдан ризога нурлар, номаълум маълумга ўтиб бораркан...

Озгина вақт беришиди... Мурод эшикни зич ёшиб келди. Шундан сўнг ака-ука шивирлашиб, узок маслаҳат қилишди.

Ҳаётнинг сўнгги йилларида тadbirkorлик қилган, бунақанги идораларга иши тушиб қўнган Даврон бир нарсани аниқ биларди: агар маҳкамага бориб, “мен анави ёқдан келганим” деса, улар балки ажабланишмас, аммо ўша ёқдан келганини тасдиқловчи маълумотнома сўрашлари аниқ, яна денг, юмалок муҳри билан. Бунинг эса сира-сира иложи йўқ: “у ёқда” тилар қоғозга эмас, одамнинг ўзига ишониб ўрганиб қолишган. Ана, ҳалиям оёқ тираб туриб олишмади, руҳсат беришди, шунисиятам раҳмат... Демак, бошқа йўл топиш керак...

Мурод сулда қалин кузлик қават-қават кийимларга ўралиб олган, нафақат шамоллаган, устига-устак, тиши оғриб, дунжини боғлаб, қалпоғини бостириб кийган, буюм камдай – кўзиди ҳам дарди борми, нима бало – қора кўзойнак таққан киши ҳамроҳлигида келди.

Суд бошланган маҳал Мурод ўрнидан туриб, ақаси бундан уч ой бурун вафот этиб кетганини айтиб, энди чўнтагидан бу ҳақдаги маълумотномани олаётган эди, столдаги папкани варақлаб ўтирган раис ўшқириб берди: – Судни чалғитишга уринманг! Мана, далога тиркалган баённомада айбланувчи бундан йигирма бир кун бурун терговчининг “Қайси тилда кўрсатма берасиз?”, “Айбнингиза иқдор бўласизми?” қабилидаги саволларига булбулиғе бўлиб жавоб берган! Билиб қўйинг, бу дунёда ўлимдан, солиқдан ва суддан қутулиб бўлмайди! И бунақа найранглрингиз ўтмайди ҳам!

Дами ичига тушиб кетган Мурод беихтиёр суд залида қунишганидан ўтирган ақасига қаради. Қандай қилиб бундан уч ҳафта бурун келиб, терговчининг саволларига жавоб бериб кетганини англай олмаётган Даврон ўзидан бағтар аҳволда эди.

Мурод “туп” этиб жойига ўтириб қолди. Суднинг бу ёғи тезлашиб кетди. Фалон мода билан айбдор деб топилган судланувчи энг кам иш ҳақининг пистон миқдорида жарима тўлайдиган бўлди.

Мурод “туп” этиб жойига ўтириб қолди. Суднинг бу ёғи тезлашиб кетди. Фалон мода билан айбдор деб топилган судланувчи энг кам иш ҳақининг пистон миқдорида жарима тўлайдиган бўлди.

Мурод “туп” этиб жойига ўтириб қолди. Суднинг бу ёғи тезлашиб кетди. Фалон мода билан айбдор деб топилган судланувчи энг кам иш ҳақининг пистон миқдорида жарима тўлайдиган бўлди.

Мурод “туп” этиб жойига ўтириб қолди. Суднинг бу ёғи тезлашиб кетди. Фалон мода билан айбдор деб топилган судланувчи энг кам иш ҳақининг пистон миқдорида жарима тўлайдиган бўлди.

Гулчехра Жўраева



СУПРА
ҚОҚДИ
ҚАТИРАЛАР

Элагимни элаб илгандим кеча, Супра қоқди қатралар бор экан пича... Қозонда қолгани чикди чўминча, Иштаха очилди, боз тутдим қалам.

Офатларни енгишда сафарбар элим, Сино билан қурашда музаффар элим, Озод нафас ичра мусаффо юрак, У дардли қуларни унутмас керак...

Қай шоир гулларга қўймаган ҳавас, Ҳар гул – олов қўшиқ, бир шеърин нафас... Илҳом парилари яшар чаманда, Ижод ҳам ранг олар гулдан, чаманда...

Қирмизи олмага тикқилдим узок, Қуёшми, ойма бу – гуноҳ-қу емоқ. Минг афеус, ичини очиб қарасам Ҳасадчи қурт қўймиш ҳуснига тузоқ.

Олов ёшлимга қайтгим келади, Қўнглимдаги сўзни айтгим келади, Оппок бахт гулобин ичгим келади, Оппок кабутардек учгим келади...

Ёлғондан қўнглим зада, Алдамоқ гуноҳ, дерлар. Баъзан ўта содалар Ҳаётнинг пайд берар...

У қулар қимларнинг кўзини очди, Қимлар тавбасига таянди бу чок... Мардона яшаш не, матонат недир, Сабр ва қадрдан бердилар сабоқ.

Дунё бўйлаб тарқаб кетган қушлар қайтди, Она юртнинг иссиқ бағри тортиди қайта. Дони ширин, оби ширин, осмони кенг, Соғинчини қуйга солиб қўшиқ айтди.

Ҳаёт ўзи аллома шоир, Умрлардан битаркан ҳикмат. Пешонангга билдирмай соҳир Ёзиб қўяр тўрт сатр дастхат.

Саҳройи кабирга тушибсан, эй гул, Бу ерда на қилсин сен қутган булбул. Ўзга чаманзордан фароғат излаб, Йирок-йирокларга учиб кетди ул.

Тезроқ юр, “Афросиёб”, Афсоналар шахрига. Мен эмасман бир сайёҳ, Қайтдим уйим бағрига...

Ака-ука уйга бош эгиб қайтишди. Айниқса, қадди букчайиб қолган Даврон кўп эзилди-сикилди. Бўлмасан... авваллари кўча ўрта-сида қандай мағрур, кўкрак кериб юрарди-я.

– Сениям ташвишга қўйдим-да, – ниҳоят айбдорона шивирлади у. – Э, сиз ҳам чекманг, – кўпроқ ўзи ўзига далда беришга уринди Мурод. – Ўлимдан бошқа...

У “Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор”, демокчи эди, айна пайда гапнинг мантисини эшитилишини англаб қолиб, тилини тишлади. Кейин ақасини хотиржам қилишга уринди: – Сиз ўйланманг, адвокат оламан, исботлайман...

Муроднинг адвокат ёрдамида нимани исботлашини тушунган Даврон бу фикрни маъқуллаб бош иргачи: – Яхши бўларди, менам тинч бўлардим. Улар боз ёнидан ўтиб боришмоқда эди. Туйқус безовталаниб қолган Даврон ичкарига, қуёқ дарахлар орасига юрди.

Мурод ҳали гап нимадалигини тушуниб улгурмасидан ҳавода нималардир “ярк” этиб шуъла чикарди ва... хазон гилами устига Давроннинг кийимлари, қалпоғи, кўзойнаги “гап” этиб тушди.

Мурод тўлиқиб кўкка қаради. Гуноҳкор заминни тарқ этган рух нур кўринишида тиник осмон сари шиддат билан учиб кетмоқда эди.

Абдуқаюм Йўлдошев



қолган, бўртиб турган лешона томирларида-ноқ асабий аҳволдалиги сезилиб турган йиғит дўк уриб сўради:

– Нодира, 8-2 шуми? Манзил сўралаётганини тушунган Мурод бош иргачи:

– Шу. Кейинги савол ҳам автоматга тариллади: – Махмудов Даврон шу ерда яшайдими? Мурод “қул” этиб ютинди.

– Ҳа... яшарди... Мен укасиман... Шалпангқулоқ қўлидаги шалпоқдай қозони уй эгасининг бурнига такади: – Мана, олганлигингиз ҳақида қўл қўйиб беринг!

Дарҳақиқат, бу чакирув қозони эди. “Фуқаро Махмудов Даврон, сиз фалон кун соат 9.00 га туман ички ишлар бўлимига чақириласиз. Агар келмасангиз амалдаги қонулар асосида...” У ёғи маълум.

Мурод тушунтиришга уринди: – Ука, кечаги бозор акамнинг қирқини ўтказдик... Йиғит кўкрак чўнтагидан ручка чикарди: – Буни тегишли жойда тушунтирасиз. Менинг вазирам повесткани топшириш! Манави ерга...

Мурод шалпангқулоқ бармоғини нуқиб турган жойга ноилж имзо чекди. Нимаям қиларди, ахир, бу бир ижрочи-да. Катталарига бир оғиз айтиб қўйса бўлди.

Шалпангқулоқ қўл қўйилган қозони деярли тортиб олдию ёв қувгандай шаталоқ отиб жўнаб қолди; Мурод уни, ҳатто ичкарига, тайёр ошга таклиф қилишга улуғурмади.

Шопиров фамилияли элик ёшлардан ошган, гўлабирдай, киприк қокмайдиған терговчи баайни ичиндан нималар ўтаётганини билиб турадиган рентген каби кабарик кўзойнаги ортидан одамга жуда-жуда синчков, айтиш мумкинки, “барибир мени алдай олмайсан, уриниб ҳам ўтирма” дегандай мазах аралаш қаттиқ тикилиб туравераркан. Бўлмаса, Мурод бор гапни айтди: шундай-шундай, ака, жондай жигарим, элик етти ёшида чин дунёга кетди; дардини тўкиб солаётган маҳали товуши титради: ахир, жудолук яқинда содир бўлган, азоб беради-да...

Бир туки қилт этмай ўтиришга қараганда, Шопиров бунақанг арзи холларни кўп эшитган чикар, савол ҳам шунга яраша бўлди:

– Сиз фибрибгарлик йўли билан катта миқдордаги маблағни ўзлаштиришда гумон қилнаётган Махмудов Давроннинг ишончли вакили бўлсангиз, нотариус тасдиқлаган ишончномангиз қани?

Шу жумланинг ўзиёқ Муродни буткул додиратиб қўйди: қанақасига... нима, у ёқдаям нотариус борми...


Мурод то ўзига келиб, жавобга оғиз жуфтлагунча терговчининг қўл телефони жириглаб қолди. Аппаратига кўз ташлаган Шопиров бирдан ранги ўзгарди, шопкин қўл силтади: – Тез чиқинг! Тез!

Кутулганига шуқр қилган Мурод зипиллаб жўнаб қолди. Шу билан ҳаммаси тугагандай эди. Бироқ кутилмаганда... яна бир чакирув қозони келди: фуқаро Д.Махмудов, фалон санада судингиз бўлади. Катнашинингиз шарт. Аке холда...

Мурод буткул эсанкираб қолди. Ахир, ҳаммасини тушунтирганди-ку... Эр-хотин узок, ярим тунга қадар маслаҳатлашишди. Ҳар қалай, повестка – расмий ҳужжат, уни имзо қўйиб олиб қолишди, энди кимдир бормаса бўлмас. Аммо ким? Нега?

Барибир бир қарорга келишолмади. Хотини чиқиб кетган, Мурод қилба томонга қараб илтижо қилди: – Акажон, ишқилиб, руҳингиз безовта бўлмасин... Худди шу лаҳза ҳавода нималардир “ярк” этиб шуъла чикарди ва... Муроднинг қаршисида хижолатли қулимсираб турган Даврон бор бўйи билан пайдо бўлди-қолди! Нафақат пайдо бўлди, ҳатто: – Мен-ку, ахшиман-а, сени кўп безовта қилиб қўйишди-да, ука, – деди!

Ваҳимадан тишлари тақиллаётган Мурод бир амаллаб: – Ака... – дея олди. Даврон укасини хотиржам қилишга уринди: – Кўркма. Ахволингни кўриб, чидаб туролмадим-да. Илтимос қилганим, тушунишди.



Атоқли адиб Уткир Хошимовнинг ижодига хос хусусият, бу – тасвирда лиризм етакчи эканлиги, қахрамонлари ҳиссий ҳолатларини маҳорат билан очиб, кўрсатиб беришга қодир ёзувчилардан бўлгани адабиётшунослар томонидан эътибор этилган. Шу ўринда ёзувчининг “Дехқоннинг бир кунини”, “Дехқоннинг бир тунини”, “Нега? Нега-а-а?”, “Урушнинг сўнги кўрбони” каби ҳикояларини эсласак, уларда тасвирланган ҳаёт муаммолари нечоғли чигал ва шайқатли эканлигининг, ёзувчи ҳолат ва вазиятлар ичига қанчалик чуқур кириб борганининг гувоҳи бўламиз.

БАДИЙ ТАЛҚИНЛАР

Адибнинг “Баҳор қайтмайди”, “Дунёнинг ишлари” каби кинжалларини, “Икки эшик ораси” романини ҳам мана шу нуқта назардан кузатсак, ижодида драматик ва ҳатто, трагик оҳанглари асардан асарга кучайиб, чуқурлашиб борганини кўриш мумкин.

Ёзувчи турмушнинг одамлар хоҳиш-иродасига ҳамма вақт ҳам тўғри келармайдиган шайқатли томонларини аниқлашга, ҳисобга олишга даъват этади. Шу боисдан ҳам у ўз қахрамонларига нисбатан қаттиққўл муносабатда бўлади, кимки ҳаётда нима иш қилган бўлса, шунга лойиқ баҳосини олиши лозим, деган нуқта назар билан иш қўлади. Масалан, муаллиф “Баҳор қайтмайди”даги қахрамон Алимардон Тўраевни тирик қолдириши, унга раҳм-шафқат қилиши мумкин эди. Лекин унда асар таъсир кучининг ярмини йўқотган бўларди. Бундай натижани китобхон табиий, мантикий ҳолат сифатида қабул қилади. Ёки “Икки эшик ораси” романидаги Раъно образини олайлик. Бу аёл уруш йилларида умр йўлдошига, оиласига, фарзанди Музаффарга хиёнат қилади. Ана шу ахлоқсиз қилмиши учун тақдир уни жазолайди – умрининг сўнги кунларида ўғли

Музаффарнинг йўлига, бир оғиз сўзига интизор бўлиб ҳаётдан кўз юмади. “Нимани эксанг, шунини ўрасан” деган мақол, назаримда, Ў.Хошимовнинг ижодий принципи даражасига кўтарилгандек таассурот қолади.

“Ўзбек иши” ҳикояси ўзининг кескин руҳи, ички шиддати билан бошқа асарларидан анча-мунча фарқ қилади. Асар номидан ҳам кўриниб турганидек, собиқ шўролар даври сиёсатининг 80-йилларда халқимизга қарши уюштирилган навбатдаги қатағони билан боғлиқ воқеаларга бағишланган. Умуман, Ў.Хошимов ижодида мана шу йилларда ўзбек халқига нисбатан бундай адолатсизликни кўрсатувчи тасвирлар салмоқли ўрин эгаллайди. Бу ўринда биз ёзувчининг қатор публицистик асарларини, минбарлардан туриб сўзланган нутқларини ва ниҳоят, “Тушда кечган умрлар” каби романини назарда тутаямиз.

“Ўзбек иши” ҳикояси безовта руҳий ҳолат ва ижодий кайфиятнинг натижаси сифатида юзага келган. Бу ҳикоя ёзувчининг шу жанрда ёзилган бошқа асарларидан услуб жиҳатидан ҳам маълум даражада фарқ қилади. Унда сахнавийлик, кўрсатиш хусусияти яққол сезилиб туради. Муаллиф нутқига жуда кам ўрин берилади. Воқеалар бошланишидан тортиб, ривожини аниқлашга қадар – ҳаммаси қахрамонларнинг ички ва ташқи нутқларига, ҳолат ва ҳаракатларига ифодасига синдириб юборилади. Асарни ўқийтганда ўқувчида шундай таассурот қоладики, гўё у бир томоша залда ўтирибди воқеалар бирин-кетин унинг кўз олдига содир бўлаяпти. Яна бир жиҳат. Муаллиф тасвир жараёнида ўзини ҳолис туттишга ҳаракат қилади, кўнглини алғов-далғов қилиб турган хисларни жиловлайди, қахрамонлардаги асл ҳолатни қандай бўлса, шундайлигича ўқувчи тасаввурда ҳосил этилган “хаёлий сахна” орқали тақдим этади.

Ёзувчининг “Тушда кечган умрлар” романи ҳам жасорат ва ҳозиржавобликнинг маҳсули ҳисобланади. Асарни ўқий бошлаганинг биланок бир бадиий хусусият алоҳида сезилиб туради: ёзувчи у ёки бу қахрамонни воқеалар оқимида олиб қарар экан, биринчи навбатда уларнинг ички моҳиятига ўқувчи диққатини қаратишга ҳаракат қилади. Ҳар бир қатта-кичик ҳодисани қахрамонлардаги



Зилиб туради. Муаллиф нутқига жуда кам ўрин берилади. Воқеалар бошланишидан тортиб, ривожини аниқлашга қадар – ҳаммаси қахрамонларнинг ички ва ташқи нутқларига, ҳолат ва ҳаракатларига ифодасига синдириб юборилади. Асарни ўқийтганда ўқувчида шундай таассурот қоладики, гўё у бир томоша залда ўтирибди воқеалар бирин-кетин унинг кўз олдига содир бўлаяпти. Яна бир жиҳат. Муаллиф тасвир жараёнида ўзини ҳолис туттишга ҳаракат қилади, кўнглини алғов-далғов қилиб турган хисларни жиловлайди, қахрамонлардаги асл ҳолатни қандай бўлса, шундайлигича ўқувчи тасаввурда ҳосил этилган “хаёлий сахна” орқали тақдим этади.

ички кечинмалар жараёнидан олиб ўтади. Умуман, Ў.Хошимов қахрамон кечинмаларини, ундан келиб чиқадиган моҳиятни кўрсатишда ички монологлардан ва диалог шаклидаги тасвирлардан маҳорат билан фойдаланади.

“Тушда кечган умрлар” романи драматик, аниқроғи, трагик сахналарга бой асардир. Трагизм асарнинг барча асосий қахрамонлари талқинида яққол сезилиб туради. Тўғри, асардаги фоживийлик ҳар бир образ ифодасида ўзига хос кўринишга, маъно-мазмунга эга. Уларни асло бир-бирига тенглаштириб бўлмайди. Масалан, айрим қахрамонлар талқинидаги трагизмга шариқ, вазият, умумлаштириб айтадиган бўлсак, замон, сиёсат ва тузум сабабчи дейиш мумкин. Рустамжон, Қурбоний образлари хусусида шундай фикр билдирсак, эҳтимол, ҳато бўлмас. Лекин, масалан, Комиссар образи ҳақида бу гапни айтиб бўлмайди. У табиатан, асл келиб чиқishi, насл-насаби билан шундай фожеали, жирканч ҳаётга маҳкум қимсалар сирасига кирди. Унинг фожеаси шундаки, ўзининг қандай тубан қисмат эгаси эканини ўзи билмайди, билишни истамайди ҳам. Ёзувчи кўплаб беғуноҳ кишилар бошига қора кунларни солган бу шахс фожеасини шу тарзда очиб беради.

Умуман, драматик талқин трагизм билан тугатиб кетадиган бундай йўналиш Ўткир Хошимов ижодида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Юқорида унинг баъзи қирраларига эътиборни тортишга ҳаракат қилдик, ҳолоқ. Уни атрофлича таҳлил этиш эса адабий танқидчилигимизнинг қалдаги вазифалари сирасидан.

Умурузқ **Ў.Ў.Ў.Ў.Ў.**
филология фанлари номзоиди

«ҚАЛБ ИЛА ТАЪЗИМ ҚИЛАЖАК»

Миллий истиқлол ҳаракатининг машҳур номиндаларидан бири, ҳуқуқшунос, ношир ва публицист, таржимон **Убайдулла Хўжаев (1885 — 1942) XX аср ўзбек замондошларининг сиёсий басиратини очиб, уларнинг дунёга ижтимоий қарашини ўзгартириш йўлига ҳаётини бағишлади, бор маблағини сарф этди. У зоққ елиб-юзуришлардан сўнг ўзбек матбуотини оёққа қўйди: “Садойи Туркистон” газетасини чиқаришга эришди. Чор ҳукуматининг махфий хизмат ходимлари ибораси билан айтганда, “сўл йўналишдаги наир”ни элига тақдим этди.**



ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Убайдулла Хўжаев, газета чикариш тажрибаси оз бўлишига қарамай, маслаҳатчи Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли ва Абдулла Авлоний билан маслаҳатлашиб, ўз даврининг илғор ва доворак, мушоҳадаси ўткир, теран фикрловчи Абдурауф Музаффарзода, Шоқиржон Раҳимий, Холид Саид, Мирмуҳсин Шермухаммад, Абдулхамид Сулаймон — Чўлпон каби ёшларини таҳририятга жалб этди.

Газетада ўз даврининг муҳим воқеаларини, халқ ижтимоий-сиёсий маффаитга хизмат қиладиган масалаларни дадил кўтариб чиқди. Чор ҳукумати халқимизни муҳим сиёсий воқеалардан иҳота қилиб, ичкаридаги ҳаёти билан яшашга қўнқитириши, аниқ фанлар мадраса тизимидан чиқарилгани бунинг асосий сабабларидан эди. 1898 йил воқеаларидан сўнг ниҳоятда кўрқитилган омманинг довини тиклаш, ижтимоий-сиёсий онгни тараккий эттириш, элини ҳақон воқеалари билан таништириш, миллатни уйғотиш ўзбек қаламкашлари, хусусан, Убайдулла Хўжаев ва “Садойи Туркистон” газетасининг мақсади эди.

Туркистон бош губернатори 1913 йил 21 декабрда нашрга рўхсат берганига қарамай газетанинг биринчи сонини маълум тўқинликлардан сўнг 1914 йил 4 апрелда ўқувчилар қўлига тегади. Бирок маҳаллий халққа нисбатан доимо шубҳа билан қараган Туркистон бош волийси А.И.Самсонов Сирдарё харбий губернатори генерал-лейтенант Галкинга қуйидагича кўрсатма берибди: “Мен ишончли Убайдулла Хўжаевга Тошкентда маҳаллий тилда “Садойи Туркистон” номида газета нашр этишга рўхсат берган эдим. Полиция орқали тўпланган маълумотларга қараганда Хўжаевнинг сиёсий ва ахлоқий ишончилигига путур етказадиган далиллар менинг қўлимда йўқ, шунга қарамай, ўлкада ниҳоятда катта аҳамият касб этувчи, маҳаллий тилдаги ягона хусусий газетанинг мазмун ва йўналишини жуда ҳам қаттиқ назорат қилиш керак деб ўйлайман... Ўз томонидан, масалан, ҳақиқий штат маслаҳатчиси Остроумов, полковник Ягелло ёки наворий советник Семеновни тавсия этган бўлур эдим”.

Туркистон бош губернатори бу фикр билан қаноатланмади. У 1913 йил 31 декабрда “Мухофаза бўлими бошлиғи газета йўналишини кузатиб борсин, ҳукумат йўналишидан четга чиқадиган бўлса, ўлка бош бошлиғига етказилсин”, деб топширди берган.

Газетани дастлаб таржимон Айдаров кузатувга олган бўлса, кейинчалик миссионер Н.Остроумовнинг ўзи назорат қилган.

Убайдулла Хўжаев газетанинг йўналишини “Маслак ва мақсад” мақоласида қуйидагича ифодаляди: “Замонамиз тараккий ва маданият замонидир. Лекин бу тараккий ва маданиятдан энг оз фойдаланган ёлғиз биз, Туркистон мусулмонларимиз, десак ҳато ўлмас керак. Чунки бошқа миллатлар улум ва фунун воситасида кундан-кун юқори кўтарилиб, қўқларга учмоқ мартабасига еттидилар. Биз эсақ ўз гафлат ва жаҳолатимиз соясида тобора ерга кирмоқдамиз.

Ажабо! Бундан бир неча йил муқаддам порлоқ тарихларга молик ўлан биз Турон халқи на учун бу холга тушидик? Бухорода, Самарқандда, Хўжандда, Тошкентда... тоғ каби мадрасалар, дорулфунунлар вужудга келтурган зотлар бизим боболаримиз эмасми эди? Бу Алилар, Газзолийлар, Форобийлар, Навойлар, Абуллайслар... каби файласуфлар, хақимлар, уламолар, адиблар ва фақиҳлар етушдурган туфроқ шул яшадигимиз Туркистон туфроғи эмас-ми эди?.. Бундан маълум бўлдики, биз туркистонлилар ҳозирда на замонга қараб ҳаракат қилуримиз, на... тарихимиздан ибрат олуримиз. Бизим шул қадар гафлат ва жаҳолатимизни кўра туриб, яна сабр ва қаноат ила сукут этмақ муқаддас ватанимиз ва меҳрибон онамиз бўлган Туркистонга кўп оғир келди...”

...Олия муқаддас онамиз бўлган Ватанга шояд оғирона бир хизмат бўлса, деб биз ҳам ўз зиммамизга “Ватан таржумони” каби оғир бир юкни юкламақка жасорат этдүк”.

Атоқли жамоат арбоби ва журналист Убайдулла Хўжаев ватан ва халқ дари билан яшайди, унинг оғрикли томонларини публицистик чиқишларида намоён этди. Хусусан, “Турли ўринларда” мақоласида: “Кўнглимдаги қайғу биргина: халқимизнинг ахлоқига тушунмақ ва миллатнинг турли бурчқларини юрүб ҳақиқий ва тўғри бир фикр ҳосил этмақ”, дейди.

У жамятнинг турли муаммолари, айниқса, ўрта ва олий таълим тизимини янғилаш, халқимизга замон талаби даражасидаги ўрта ва олий мактаблар қарақилини замондошлари ва халққа тушунтиришга ҳаракат қилди. Шу боис “Юбилейга ҳозирланув” мақоласида кенг ўқувчилар оmmasига, қолаверса, Туркистон халқига юзланар экан: “Онлар шаҳар олгон киши, қанча шодлик қилсалар ярашур. Биз эсақ шаҳар бергон киши, бизга шодлик ўрнига хафалик керак, деб оғиз очиб, қараб қоламизми?” деган савол билан мурожаат қилади. Тушқулик, хафалик ва таассубни бир томонга олиб қўйиб, масалага инсоф билан қарашга чикариди: “Эҳтимолки, бошқаларга назаран бизга ижтимоий ва сиёсий ишларда бир қадар қисқинқилар бордир. Лекин бунлар ҳам вақтинча бўлиб, даражан маданиятимиз ортан сари бундай қисқинқилқиларнинг устимиздан кўтарилмоғида шубҳа йўқдир” дер экан, босқиннинг элиқ йиллиқ муносабати билан муқтабид ҳукуматдан ундирилдиған айрим нарсаларни жамоат эътиборига дадил ташлайди. Жумладан, “улү мақсадлига вобаста” бўладиган, албатта, ҳукуматдан ижозат олиб бир қўмита тузиш, “Ўзимизга ҳаво ила сув каби лозим бўлиб турган бир дорулмуаллимин ёхуд бир мадрасан олия” ташкил этиш ҳар жиҳатдан заруригини олға сурди. Дорулмуаллимин, бу ўрта маҳсуус таълим-тарбия юрти бўлса, мадрасан олия – университет очиб лозимлигини тақдир этди. Убайдулла Хўжаев бу тақдирлар билан миллатни маърифий-маданый юксалтириш масаласини замондошлари олдига қўйиб, уларни ижтимоий фаолликка чикарди.

Миллат болаларининг бозор-ўчардаги оғир ҳаёти, замон талабидиғи маданый ҳаётдан, маърифатдан орқалда қолаётганидан у аёва бўларди. Ўлкамизга бостириб келганларнинг фарзандлари озода кийиниб, қўлда китоб тўла жилдини кўтариб, мактаб ёки гимназияга кетаётганига ҳавас-ла қаран ва миллат болаларининг мардикор, қора ишчи бўлиб келгиндиларга ёлланшини уни чуқур ўйга толдиради. Шу сабабли “Болаларимизнинг бахтсизликларига қимлар сабаб?” мақоласида “манфаат деган нарс мусулмонлар орасида... оилалар ичинда ҳам захарли натижаларни кўрсатмақдир... бу қора балодан миллатнинг қайси бир азоси саломат қолур дейсиз?” Оталарнинг ўз оиласига қарай олмаслигини кўриб “Оталаримизнинг бу холларни кўриб юраклар ёна, виқдонлар ва ниймонлар азоб тортидилар” деб ёзди. Атоқли ҳуқуқшунос ўз публицистик чиқишларида Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли, Абдулла Авлоний, Обиджон Маҳмуд, Тавалло, хусусан, Исмоилбек Гаспирали аъғанасини давом эттирди. Халқимизга истиқболнинг қароғон йўлини кўрсатди.

Атоқли жамоат арбоби, ношир ва публицист, ҳуқуқшунос Убайдулла Хўжаевнинг фаолияти ниҳоятда серқирра, уни ёритишга бир мақола қамлик қилади. Чунки умри давомида халқимизнинг миллий маффаитини, сиёсий ҳуқуқини ҳимоя қилишга ва тиклашга ҳаётини бахш этди. Унинг миллат, ватан тақдиридиғи ўрни ва ролини ҳамда хизматини замондошлари ниҳоятда қадрлашган. Ҳамза Ҳақимзода ва Шавқий Шаҳрихоний унинг таъниғига гўзал шеърлар биттишган. Ҳамза айтганидек, хозирги авлод Ватан ўғли — Убайдулла Хўжаевнинг “Хизматин тақдир этүб, қалб ила таъзим қилажақ”.

Сирождин АХМАД

АДИБЛАР ХИЁБОНИ — МАЪРИФАТ БЎСТОНИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Бу мўътабар масканга “Адиблар хиёбони” деб ном берилганининг ўзи жуда чуқур ҳаётий, илмий-фалсафий асосларга, маъно-мазмунга эга. Бугун давлатимиз раҳбари томонидан бу жойни маърифат, маданият марказига айлантириш бўйича муҳим ташаббуслар, қатъий қарарлар илгари сурилётгани эса хиёбонни ташкил этиш пиривардида янада улкан мақсад ва вазифалар борлигини ҳам аниқлатади. Афсуски, биз масаланинг айна шу жиҳатларига кўпинча эътибор бермасдик...

Бир сўз билан айтганда, Адиблар хиёбони юртдошларимиз, хусусан, ёшлар шунчаки келиб айланиб, томоша қилиб кетадиган жой бўлиб қолмаслиги керак. У ўзининг номига ҳар томонлама мос равишда, бой адабиётимиз ва маданиятимизни, бадиий сўз усталари бўлган азиз устозларимиз меросини тарғиб этадиган, эл-юртимизнинг маърифий савиясини оширишга хизмат қиладиган муқаддас гўшага айланиши лозим.

Президентимиз ёшларимиз қалбига адабиёт кириб бориши керак, деган фикрни алоҳида таъкидладилар. Чунки адабиёт – бу истеъдод меваси. Юрагига адабиёт кирган инсон меҳр-оқибатли, мухаббатли бўлади. Миллати, ўзлиги, тарихи ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Адиблар хиёбонида хайкали қўйилган ҳар бир аллома – том маънода миллатпарвар, ватанпарвар шахслар бўлган. Улар адабиёт оламида ўз мактабин яратган инсонлардир. Асарларида Ватани қандай севиниши, миллатни қандай ардоқлашини, она тилини қандай асрашини ўргатиб кетганлар. Яратганининг қудратини кўринтки, осмондан тушаётган

ёмғир томчилари, қор зарралари бир-бирини такрорламас экан. Ер юзид а етти миллиарддан зиёд аҳоли бор. Аммо ҳар бир инсоннинг бармоқ излари ҳам бир-бирини такрорламайди. Худди шундай — хиёбондаги ҳар бир хайкал соҳибининг чеҳрасига боқар экансиз, ҳаёлан уларнинг қалб оламини тасаввур қиласиз. Ҳар бирининг ўз сўзи, ўз қадри, ўз ўрни бор. Адиблар анжуманида Навоийдан кейинги энг муҳтарам сиймо — Захриддин Мухаммад



Бобур ҳамон ушбу байтини шивирлаб тургандек: **Ҳар вақтеки, ўқигаёсан сўзини, Сўзини ўқиб, соғингаёсан ўзини.** Адиблар хиёбонини биз соғинч маскани, маърифат чамани, миллат адабиёти дарсониси, десак тўғри бўлади. Бу таърифдан чеҳрамиз ёришади. Дил-дилдан ифтихор туямиз. Халқимиз олдидаги ҳам фарзандлик, ҳам ижодкорлик масъулиятини чуқурроқ англаймиз. Халқимиз эса ҳалолликни барчасидан устун қўйган, ҳалол меҳнат билан топилган бурда нонини ҳам қадрлаган. Қолаверса, ҳалол инсонлар вақт синовидан, ҳаёт имтиҳонидан ёруғ юз билан ўтганлар.

Бизнинг фидойи адибларимиз пойтахтнинг сўлим гўшасидаги ўз хиёбонларида Ҳазрат Навоий, Бобур ва Оғахийдек муғтоз мутафаккирлардан сабоқ олаётгандек, улар билан суҳбат қураётгандек, ўзлари эса миллатимиз ёшларига адабиёт дарсидан, одамийлик зийнатидан дарс ўтаётгандек... Бу қулуг даргоҳга келган қаламкашми ёки қатта ижодкорми — албатта, тугал фикр билан, янги ижодий гўшлар билан қайтади.

Азиз ватандош, келинг, Адиблар хиёбони сизга мунтазир. Кўринг, тафаккурингизни уйғотиш, миллат зиёлиларига кўрсатилаётган эҳтиромдан ифтихор қилинг, энг асосийси, ўзингизни имтиҳон қилинг, ўзингизни янги марралар сари илҳомлантинг!

Адабиёт – кўнглининг кўзидаги кўзгудир, Адабиёт ҳар харфини ниёти хуш, эзгудир. У инсоний мухаббат, энг покиза туйғудир, Қим учун у дил дарди, қимлар учун тил шони, Шу шон билан юз очди Адиблар хиёбони.

Оқил қалам соҳиби сўзида саодатманд, Турк қавми Навоийнинг изида саодатманд, Ахли ўзбек азалдан ўзи-да, саодатманд, Оламини чорлар бу қун адабиёт бўстони, Ифтихор нурин сочди Адиблар хиёбони.

Ҳар адиб умри асли сўз билан чирокланган, Ҳар адиб умри асли сўз билан ардоқланган, Қалб ичра меҳр отлик кўз билан чирокланган, Қодирий ҳам Авлоний, қайди Фуркат, Чўлпон, Уларга тўрин очди Адиблар хиёбони.

Қун келди пора бўлди, ёлғон, тухмат никоби, Кўнгиллари уйғотида ҳақиқатнинг хитоби, Адибларнинг бошда абдиёт офтоби, Шул зиёдан порлагай ўзбекистон осмони, Қалбларга кўрин сочди Адиблар хиёбони.

Шоир Бердакқа бағишланди

Қуни кеча пойтахтимизда барпо этилган Адиблар хиёбонидиғи атоқли қорақалпоқ шоири Бердак хайкали олдида алабий-бадиий тадбир ўтказилди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиётшунослар олимлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Б. Матмуратов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси раисининг ўринбосари Файрат Мажида, Қорақалпоғистон Республикаси халқ шоири Рустам Мусурмов, Тошкент педиатрия тиббиёт институтини ёшлар билан ишлаш бўйича проректори М.Ахмедова, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда бир гуруҳ фаол талаба-ёшлар иштирок этидилар.

Ушбу тадбирда Бердакнинг ҳаёти, ижоди, гоғларини ва унинг босиб ўтган умр йўлига назар ташланди. Тадбирда сўзга чиққан олимлар ва ижодкорлар Бердак ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Учрашувда Тошкент педиатрия тиббиёт институтини ижодкор ёшлари шоир ижодидан намуналар ўқийди.

Гулшану чаманлар, боғу гулистонлар гуллардан яралади. Адиблар хиёбони Сўз ва Кўнгли шавқидан барпо бўлади. Хиёбонни кезиб ажиб манзарани кўриб ўйга чўмасиз, ҳаёлга толасиз, қалбингизда гурур туйғуси тошади. Адабиёту абдиётнинг қошида фикрлайсиз. Ўткинчи, майда нарсалардан юқори кўтариласиз. Ўтиб бораётган Вақтни кўрасиз. Оламда мўъжизалар кўпдир, эҳтимол, лекин асли мўъжиза Адабиёт эканини ҳис қиласиз.

Дунёни кўз олдингизда намоён этади — шовуллаб ўтиб бораётган замонда абдиётга даҳлдор сиймоларни қалб кўзингиз билан кўрасиз. Ҳазрат Навоий “Хамса”ни ёзаётган даврдаги **ИФТИХОР** бинолар, кўприқлар, саройлар, юғураётган отлар, учаётган қушлар... Қани, улар?! Топа оласизми? “Хамса”-чи?! Фазалар-чи? Бир зум ҳаёлингиздан ўтказинг... Барчаси бус-бутун, мукамал ҳолида мангу янғидай ярқирайди. Ҳа, адабиёт абдиий яшайди, кўп нарсалар ўтиб кетади, адабиёт эса ҳаёт билан бирга яшаб бораверади. Шоирлар сўзлаётди. Шеър айтишаётди. Нигоҳи бизда. Саволлари-

мизга жавоб қайтаришаётди. “Мушоира этади давом, кел, дўстим, сен ҳам...” дейишиб адабиёт анжуманига чорлашаётди. Ўтмиш ичра эмас, тирриклигу ҳаёт ичра, улуглигу мангулик ичра давом этаётди бу қалб суҳбатлари...

АДАБИЁТИМИЗНИНГ БЎЙИ ЎСМОҚДА

Адиблар хиёбонида Навоий ҳазнарсалардан юқори кўтариласиз. Ўтиб бораётган Вақтни кўрасиз. Оламда мўъжизалар кўпдир, эҳтимол, лекин асли мўъжиза Адабиёт эканини ҳис қиласиз. Дунёни кўз олдингизда намоён этади — шовуллаб ўтиб бораётган замонда абдиётга даҳлдор сиймоларни қалб кўзингиз билан кўрасиз. Ҳазрат Навоий “Хамса”ни ёзаётган даврдаги **ИФТИХОР** бинолар, кўприқлар, саройлар, юғураётган отлар, учаётган қушлар... Қани, улар?! Топа оласизми? “Хамса”-чи?! Фазалар-чи? Бир зум ҳаёлингиздан ўтказинг... Барчаси бус-бутун, мукамал ҳолида мангу янғидай ярқирайди. Ҳа, адабиёт абдиий яшайди, кўп нарсалар ўтиб кетади, адабиёт эса ҳаёт билан бирга яшаб бораверади. Шоирлар сўзлаётди. Шеър айтишаётди. Нигоҳи бизда. Саволлари-

булиши зарур. Президентимиз даъватини яна бир марта эсланг: “Ёшларнинг юрагига адабиёт кириб бориши керак...”. Ҳаммамизнинг юрагимизга Адабиёт кириб бориши зарур.

Адиблар хиёбони олдигитна маскан, олдий хиёбон эмас, бу – миллат адабиётининг олтин эшиғи, олтин дарвозаси. Бу ерда бўлган инсон адибларнинг сўзини, шеърини, овозини, дардини, дилини эшита туриб, адабиёт дунёсига мафтун бўлади. Сўз санъати маскани сари талпинида. Бунда сўзлар, минералар шодланадилар, заминланадилар, осмонланадилар. Адиблар хиёбони... Унинг яратилиши, барпо этилишида давлатимиз раҳбарининг ўзбек адабиётига меҳрга тўла нигоҳини кўрасиз. Адибларга кўрсатилаётган МЕХРдан Адабиётнинг бўйи ўсаётди. Ўзбек адабиёти дунё адабиёти билан бўйлашапти. Адабиётимиз тарихи билан, бугуни билан, моҳияти билан қулратланапти.

Менгнор **ОЛЛОМУРОД,**
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси
Сурхондарё вилояти
бўлими раҳбари

Улуғ аждодлар бой маънавиятининг садолардаги жонли ифодаси бўлган муслиқий мерос бугунги ижтимоий-маданий ҳаётимизни юксалтириши ва миллий ўзгичимизни англашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, кўп асрлик миллий муслиқамизни асраб келгуси авлодга етказиши машаққатли меҳнатни талаб этади.

ИГНА БИЛАН ҚУДУҚ ҚАЗИБ...

Республика халқ таълими аълочили, педагогика фанлари номзоди, профессор Файзулла Тўраевнинг фаолиятида миллий муслиқамизнинг Бухоро заминидан юксалган мумтоз услублари, азалий кадрларини, улуғ ижодкорларини, устоз-шоғирд анъаналарини, бугунги ҳолати ва истиқболни каби масалалар ташкил этади.

Олим ўзининг “Бухоро муғаннийлари”, “Бухоро Шашмақоми тарихидан...”, “Мутрибот калбидан учган наволар” каби йирик монографияларида IX асрдан то ҳозиргача даврга қадар фаолият кўрсатган бухоролик олим санъаткорлар фаолиятига тарихий изчилликда таърифу тавсифлар беришга эришган биринчи олим бўлди.

Айни вақтда, унинг изланишлари натижасида ҳазрат Навоий кенг қўлланган “мутриб” ва “муғанний” атамалари ҳозирги муслиқашуносликда қайта “жонланди”, таъкирлар жанир хусусиятлари эса муслиқ илми билан уйғунлашгани ҳолда янада аҳамиятга эришди. Қолаверса, Файзулла Тўраев муқаддас Бухоро заминидан қарор топган асрий мумтоз муслиқий анъаналарини ҳар қандай оғшиччиликдан холи тарзда ёритиш мумкинлигини амалда исботлай олдики, бу ҳол, масалан, мумтоз мақомлар билан боғлиқ тарихий жараёнларини илмий шарҳлаш борасида яққол кўзга ташланади.

Маълумки, салобатли мақом туркумлари аслида ўтмишдаги ҳукмдорлар томонидан яратиб берилган шарт-шароитлар ўлароқ сарой муслиқачилари ва муслиқашунос олимлари ҳамжиҳатлигида яратилган.

Файзулла Тўраев ушбу мавзунинг ёриқларини, энг аввало, муслиқачиларга ҳимойлик қилган ва мақом санъатининг юзага келишига имконият яратиб берган ҳукмдорлар – Соҳибки-

рон Амир Темур, темирўзодлар ва Бухоро амирлари фаолиятига адолат мезони ила ҳолис ва ҳаққоний баҳо беради.

Яна маълумки, салобатли “Шашмақом” туркуми Бухоро сарой касбий муслиқачилари ва муслиқашунос олимлари томонидан XVIII асрда тасниф этилган эди. Ўзбек-тожик халқларининг бемисл бу мумтоз муслиқаси улуғ устозлар улашган боқий анъаналар силсиласига боғланиш ва ҳаёт асрорларини теран англашга хис-туйғуларини уйғотиш қудратига ҳам эга санъатдир. Бежиз эмаски, бу бебаҳо санъат уммони бастакорлар, чолғучи ва хонанда-хофизлар қаторида, авваламбор, илм ахлининг эътиборини муқом ўзига тортиб келди. Зеро, дурдона куй ва айтмлар мажмуаси бўлган Бухоро Шашмақоми айни пайтда Шарқ муслиқашунослиги эришган юксак илм намунаси ҳамдир.

Бу борада Ф.Тўраевнинг “Бухоро Шашмақоми” тарихидан” рисоласи ўзининг фактологик жиҳатдан манбаларга бойлиги ва салмоқли мазмун-моҳияти билан эътиборга лойиқ. Янги даврга келиб Бухоро Шашмақоми жаҳон сахналари узра юксала бошлади. 2003 йили ЮНЕСКО халқаро ташкилоти бу мумтоз муслиқ санъатини жаҳон номоддий маданий меросини дурдонаси дея эълон қилди ва 2008 йили инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхати-га олди.

Шунинг қайд этмоқ керакки, Файзулла Тўраев серкирра фаолиятининг муҳим қисмини асрлар оша этиб келган бебаҳо миллий муслиқ кадриятларини кенг омма орасида тарғибу ташвиқ қилиш, айниқса, шу асосда ёшларга таълим-тарбия бериш, ишлари ҳам ташкил этади.

Иттифоқо, фидойи олим ёшлигиндан она замин эл оҳанглари ва бади-



ий анъаналарини кунт билан ўрганиди, унутмайлабган миллий наволарни мисқоллаб йиғди ва бу ўринда эришилган натижаларини халқимизга 200га яқин илмий-оммабоп мақолаларида тақдим этди. Шунингдек, Файзулла Тўраевнинг хотин-қизлар даврасида урф бўлган “Бухорча” ва эр-кақлар даврасини яйратган “Мавриги” туркумларини таъкир этиши ҳамда бу борада Охунжон Сафаров ва Ориф Атоев билан олиб борган ҳамкорлигини 2005 йили “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари” номли китоби ўқувчилар қўлига етиб борди.

Шу аснода бу ноёб муслиқ дурдоналарини махсус таълим ва илм муассасаларида атрофлича ўрганиш борасида қимматли манбага эга бўлиди. Айни вақтда эса “Бухорча” ва “Мавриги” тароналарини халқимиз орасида кенг тарғиб қилиш имкони юзага келди.

Бой педагогик тажрибага эга устоз-мураббий Файзулла Тўраев Республика халқ таълими ва маданият муассасалари учун малакали мутахассис ва илмий кадрлар тайёрлаш ишига ҳам салмоқли улуш қўшди. Захматқаш олим қаламига мансуб таъкиротлардан баҳра олаётган ҳамкабарлари, соҳа амалдорчилари, таълим муассасалари талабалари ҳамда санъатсевар ўқувчиларнинг кенг омаси билан бир қаторда устоз йўлига эргашган шоғирд ва издошлари сони ҳам тобора ортиб бормоқда.

Камтарин инсон ва фидойи олим Файзулла Тўраевга сермазмун узоқ умр ва янги илмий йотуқлар тилаймиз.

Окилхон ИБРОҲИМОВ,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Бахтиёр МУСАЕВ:

ТОМОШАБИНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

Таниқли актёр Бахтиёр Мусаев ижодий фаолиятини қўшиқчилик санъатидан бошлаган. “Кел, кел, севгилим”, “Севинчим йўқ”, “Ота-жоним”, “Муқаддас аёл”, “Сехрли кеча” сингари кўп қўшиқлари мухлислар томонидан илиқ қутиб олинган.



— Сиз узоқ йиллар пойтахт-миздаги 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатида ритмика фани ўқитувчи сифатида фаолият юритгансиз. Ритмика фанига доир ўқув-қўлланма ҳам ёзган экансиз.

— Дарҳақиқат, бир неча йил шу соҳада ишладим. Аввало, қизиқишим, қолаверса, муслиқга муносабатим туфайли бу болалар ижодига қизиқиб қолганман. У ерда заиф эшитувчи болалар билан ансамбль ҳам ташкил қилганман. Улар айнан чолғу асбобларини эмас, масалан, иккита қошиқ, пилёла, коса, доира ва ҳокзоларини чалишди... Туман, шаҳар микросидаги қўриқ-танловларда ўқувчиларим кўп мартаба совринли ўринларини эгаллашган.

Ҳар бир бола бир олам. Уларнинг орзу-умидлари, қизиқишлари бор. Болаларга самимий муносабатда бўлсангиз, улар сизни ўз оламига тақдир этади. Ана шулар менга ўқув қўлланма ёзишга туртки берган. Бугун эса асосий вақтимни ижодга сарфлаётиман.

— Актёр учун қаҳрамоннинг феъл-атвори ўз характерига мон тушини қай даражада муҳим? Турли характердаги образлар устида ишлаш қийинлик туғдирмайди?

— Сценарийни ўқиганингиздаёқ ижро этмоқчи бўлган образингизни томошабин қандай қутиб олиши кўз ўнгингизда намойи бўлади. Масалан, бирор қаҳрамон тимсолини экранда гавдалантирар экансиз, унинг ички олами, хис-туйғулари, қабул қилаётган қарорлари, қувончи ва қайғули онларда ўзини қандай тутиши, бир сўз билан айтганда, барча-барчаси актёрга “қўчиб ўтиши” керак. Ҳаётда ҳамма бир хил эмас-ку. Касб нуктан назардан турли тоифа ва характердаги образларини экранда акс этдиришга тўғри келади. Актёрнинг асосий вазифаси, хоҳ ижобий, хоҳ салбий қаҳрамон бўлсин, образини моҳирона ижро этишдир. Бу, авва-

ло, касбга садоқат ва фидойиликни талаб этади.

Шу маънода кинони ҳаётнинг маълум кўринишларига менгаш мумкин. Актёр экранда турли касб эгалари ҳаётини гавдалантирар экан, зиммасига қатта масъулият юкланаётганини унутмаслиги керак. Сценарий билан чекланмасдан, ижро этаётган қаҳрамонларининг касби ҳақида бошқа манбаларни ҳам қўздан кечирини, яъни изланиши образнинг жонли чиқишига ёрдам беради. Тасаввур қилинг, ўқувчи ёки талаба ҳам ҳар бир имтиҳонга алоҳида тайёргарлик қўлади-ку. Шу маънода ҳар бир ролни жиддий имтиҳон, синов деб билиш керак. Баҳонин эса ҳолис ҳакам — томошабин беради.

УЧРАШУВ

— Ўйнаган ролларингиздан қоникмаган пайтларингиз ҳам бўлганми?

— Ҳамма ролларимда ҳам ўзига яраша ютуқ ва камчиликлар бор, албатта. Ҳар бир актёр ижро этаётган образи яхши, таъсири чиқишини, томошабинлар қалбидан жой эгаллашини хоҳлайди. Энг муҳими, бугунги ижродан эртангиси яхшироқ, муқамалроқ бўлиши керак. Бугунги ижродани ҳаттоки, кейинги сафар такрорланмаслиги лозим. Агар мен “Ҳа, ўз ижромдан қоникман” десам, демак, санъатни тўхтатишим керак бўлади. Чунки қоникмиш хисси актёрни изланишдан, ўрганишдан тўхтатиб қўяди. Айтмоқчи бўлиман, образдан образга ижро маҳорати ошиб, юксалиб бораверади...

— Ҳаётингиз ва фаолиятингизда китобнинг ўрни қандай? Қайси мавзулардаги асарлар сизга кўпроқ ёқди?

— Ёшлигимдан китобга муҳаббатим бўлача бўлган. Уйда мўъжазгина кутубхонам ҳам бор. Китоб мутолааси инсонни фикрлашга ундайди. Ёчимни қутаётган баъзи муаммолар ёки са-

волларга жавоб топишингиз ҳам мумкин. Китоб ўқимайдиган инсон билан суҳбатда бўлсангиз, унинг фикрлаш доираси тор эканидан қалбингизда унга нисбатан ачинаш хисси пайдо бўлади. Мумтоз адабиётлар, тарихий мавзулардаги асарларни севиб мутолаа қиламан. Яхши шоирларнинг шеърларини ўқиб қайфиятимни кўтарди. Менинча, китоб ўқимаган санъат аҳли муваффақиятдан умид қилмаши ҳам бўлади.

— Маълумки, сериалларнинг асосий томошабинлари аёллар. Бундан болалар ҳам кино ва сериаллар таъсирида улғаймоқда, деган хулосага келиш мумкинми?

— Албатта, сериаллар бола тарбиясига жуда қатта таъсир қилади. Ҳозир айни шу жиҳатта бизда қатта аҳамият беришяпти. Ҳар битта фильм ёки сериал устида ишлашганимиз, мана шу фильм, шу сериал билан томошабинга нима демоқчимиз, деган савол олдимизда туради. Маълумки, ҳар бир сценарий бадиий кенгаш томонидан ўқиб чиқилади. Тарбиявий аҳамиятга бой бўлган, халқимизнинг маънавий онгини тўғри йўлга бошлайдиган сценарийлар устида кўпроқ изланиш қутилган самарани беради. Қувонарли жиҳати, бой тарихимизни ёритишга аҳамият берилмоқда. Президентимизнинг ташаббуслари билан тарихий фильмлар, сериаллар олиниши бошланди.

Бундан қўзланган мақсад, ёшларнинг тарихимизни чуқур билишига эришишдир. Кино эса, айтганингиздек, бу борада қатта таъсир қилишга эришиш...

Шероҳ АБДУСАМАНОВ
суҳбатлашди

Меҳнат таътилига чиққач, столим устида ўқилишига навбат қутиб турган китобларнинг энг тағидасини қўлимга олдим. “Ибратга молик ҳаёт” деб номланган бу китоб муаллифи Хуришо Норхўжаева. Тўғри келган варағини очибму ўқий бошладим: “Ўтли қалам соҳибини” сарлавҳаси билан бошланган бу хотира шундай давом этади:

“1943 йилда Берлиндан 60 километр узоқликдаги “Вустрауе” харбий асирлар лагериди Муса Жалил билан икки ойдан ошроқроқ бирга бўлдим. Барақда ёнма-ён ётардик. Ўзаро суҳбатларимиздан Муса менинг комсомол аъзоси ва адабиёт ўқитувчиси эканлигини билиб, менга ишонч билан қарай бошлади ва ўртаимизда мустаҳкам дўстлик вужудга келди. Лагердаги қийноқлар натижасида Муса жисмоний жиҳатдан холдан тойган эди. Бизни помешчиларнинг ерларига ишга олиб чиқар эдилар. Мен мадорсиз Мусани қўлиқлаб олардим. Муса мени иним дер эди. “Иним Ҳабиб, галаба биз томонда бўлиши аниқ. Шунинг учун ҳар қандай шароитда бўлмасин ватанимизга нисбатан ҳок қолшимиз керак. Қайси вазиятда бўлишимиздан қатъий назар, душманга қарши курашни давом эттиришимиз лозим...”

Муса шеърларини араб алифбосида ёзар эди. Лагерда араб алифбосини ўқийдиган киши йўқ эди. Мен ҳам ёшлиқдан адабиётни севар эдим, Муса менда шеър ёзиш ҳавасини уйғотди. Биринчи шеърим “Ватан” деб номланди. Мусига ўқиб бердим. У баъзи камчиликларни тузатди. Айниқса, 1941 йилнинг февралда ёзган “Душманга” номли тўртгилигим Мусига жуда маъқул тушди.

1943 йилнинг февраль ойи охирида Мусани қонилардан олиб кетишди. Бу ақралиш менга ва дўстларга қаттиқ таъсир қилди. Ўзимни худди қаноти қайрилган қушдек хис этдим. Чунки унинг сўзлари оғир қуларимда менга йўлчи юлдуз бўлганди... 1944 йилнинг 25 августиди Муса Дрезден харбий судининг ҳукмига биноан Пастцензи турмасида қатл қилинганлигини эшитдим. Муса охириги дақиқагача душманга нафрат билан яшади. Ўзининг “Қотилга” шеърини шундай ёзган эди:

Тиз чўкмайман, қотил, қаршингда,
Тутқун қилсанг, қуддек эсанг ҳам.
Ўлсам тикка туриб ўламан,
Болта билан бошим кессанг ҳам.

Ҳақиқатан ҳам у фашистлар олдида тиз чўкмади, ўлимни тик туриб қутиб олди.”
Хотираларини ўқиб, этларим жимирлаб кетди. Ҳа, бу кашкадарёлик Иккинчи жаҳон уруши катнашчиси Ҳабиб Файзуллаевнинг машҳур татар шоири, “Моабит дафтари” шеърлар тўпламининг муаллифи Муса Жалил ҳақидаги изтиробли хотиралари эди.

Хотираларини ўқиб, “Олтин мерос” жағмарасининг Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари Шарофат Ашуровага қўнғироқ қилиб, марҳум Ҳабиб Файзуллаевнинг аёли Муассархон ая билан учрашишни хоҳлаётганимни, бу ишда менга ҳамроҳ бўлишини илтимос қилдим. Шарофат опа истагини бажони-

дил қабул қилди ва биз 23 март куни бирга Қарши шаҳридаги Чакар маҳалласи, Гузархўжа кўчасига йўл олдик. Бу файзли хондоннинг фариштаси Муассархон ая бизни иссиқ нигоҳ билан, жигарларини кўргандек бағрига босиб қутиб олди.

— Хонадонимизга қадам ранжиди қилган сиз азиз меҳмонларимдан айланай. Уйимнинг тўри

МОАБИТ ТУРМАСИДАН ОМОН ЧИҚҚАН

сизларники, — дея 84 ёшли Муассархон аянинг тилларидан бол томар эди. Аянинг орқасидан қичқ дилхизига қирар эканмиз, дераза ёнидаги китоб жавонига терилган китобларга кўзим тушди. Жавондаги аксарият китоблар урушининг муҳими лаҳзалари ҳақида ҳикоя қилувчи устозларимиз Шукрулло, Одил Ёқубов, Назармат, Ҳамид Олимжон, Мирзақалон Исмоилӣ, Иброҳим Раҳим, Раҳмат Файзий ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари эди. Улар орасида Муса Жалилнинг “Моабит дафтари” шеърлар тўплами, «Сердце поэта» китоби ҳам бор эди. “Моабит дафтари”ни қўлимга олар эканман, варағларини очмасданок шоирнинг “Ишонма” шеърини ёдимга тушиб пичирлай бошладим:

Юртдан кетдим юртни, сени деб,
Мен курашдим қонли ҳар дамда,
Юртни, сени қўлимдан берсам,
Нима қолар менга оламда?

Сенга мендан хабар берсалар,
“Муса ўли” энди десалар,
Йўқ ишонма, жоним!
Бу сўзни —
Дўстлар айтмас, мени севсалар.

Тупроқ қўмар танни, қўмолмас,
Ўтли қўшиқ тўлган қўнглимни,
“Ўлим” дейиш мумкинми, ахир,
Енгиб ўлган бундай ўлимни.

1943 йил жангоҳларда битилган бундай жанговар рухдаги изтиробли ва ўтли шеърлар шунча йиллардан бери қанчадан-қанча қалбларни гоҳ сел қилиб оқизса, гоҳ олов бўлиб ёндириб келяпти. Мен Муассархон аяни урушининг муҳими хотиралари билан қалби парчаланиб, бу азобларнинг оғир юкдан эзилган жангчига сирдош ҳамфирқ аёл бўлса керак, дея ҳаёлимдан ўтказган эдим. Лекин қаршимда иродаси мус-

тахкам, жангчи қалбиди яраларга малҳам бўла олган аёлни кўрдим.

— Бобонгиз уруш деган сўзнинг ўзидек совуқ бир қадарни қалбга олиб қирадиган, ичинини ёшиштирадиган, қўяйинини қўқартирадиган сўз эканлигини уқтирар эди. Унда инсон ўзининг она Ватанини, қадрларини, азиз инсонларини, жону жигарларини йўқотди. Саргардон бўлади, хўрланади, топалади. Бу овоз қуларининг дийдорли шунчалар қароратли ва ёруғки, болаларининг болаларини ҳам бағринга босиб, асрлар оша умргузаронлик қилган келаси, дер эди. Урушда оёқларидан жароҳат олиб, душман қўлига тушгани, қониларда ўнта ўзбек йигити ва бошқа миллатлардан ҳам маҳбус йигитлар бир-бирларига ёрдам бериб, яшагани,

жиний иш топа олмадилар. Шунга қарамасдан, уч йиллик терговдан сўнг, 1948 йил 17 июлида «сўчиқ» харбий трибунали мени 25 йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Шу лаҳзаларда тунар бедор, қўзларимдан уйқу бергана, аламлиман: «Мени Моабит турмасига қайтаринг, ватанимга қайтганимдан минг марта пушаймонман. Тирингим эмас, ўлимни қайтса бўлар экан, ана шунда мен бунчалар хўрлик азобини тортишдан овоз бўлар эдим», дея бошимни ушлаб нола қилган вақтларим бўлди.

Мени Инта шаҳрига, махсус режими лагерга жўнатдилар. Уруш тугатгандан кейинги қийноқ ва

учун газета ва китоб ўқишга вақт топади, шеърлар ёзди. Қуларнинг бириди тушларига падарни бузруковир қиради. Онасига ёрдам беришини сўрайди. Шунда у киши ўйлаб қўриб ер ости қазини ишлариди халол пул топишни мақсад қилди. Ёнидаги дўстлари «Бекор қилибсиз, ер остида иш оғир ва касофатли» дейишган. Аслида ҳам шундай бўлган-да. Баладлгини бир ярим метр бўлган қонда фақат энгашиб ишлаш ишлаган пуларини онасига — Қарши шаҳрига жўнатган. Энг аянчлис, онаси «Ҳабибим тирик, у албатта келаси», деб қўзлари хар кун йўлга термулиб оламдан ўтган. У кишининг юрагини умрларининг охиригача ана шу армон ўртади, болам, — дея нигоҳларини ерга қалади Муассархон ая.

Ҳабиб Файзуллаев 1958 йилда оқланди, юртимизга қайтиб келди. Кейинги фаолияти ҳам бир китоб бўладиган Ҳабиб Файзуллаевнинг покиза қалби уни душман қўлида қурбон бўлган дўсти хотирасини ёд этиш, унинг руҳини шод этишга чорлайди.


Дўсти Муса Жалилни хотирлаш учун Татаристонга борди. Қозонда шоир хотирасига ҳайқал ўрнатилган, Қозон опера ва балет театрига, қўчаларга номи берилган. 1976 йилнинг февраль ойида Муса Жалил таваллудининг 70 йиллик маросимида иштирок этди. Унинг синглиси Хадича опа, умр йўлдоши Амина опа, қизи Чўллонов ва бошқа дўстларини топди, улар билан дўстлашди. Улар бегона эмас, гўё туғишганлардек эди. Мустафино кишлоғида шоирнинг бронза ҳайкали очилиши маросимида қатнашди. Юртимизда Ғалабаининг 40 йиллиги нишонланган кунларда шоирнинг синглиси Хадича опа Ҳабиб Файзуллаев хонадониди меҳмон бўлди. Йиллар ўтиб Ҳабиб Файзуллаевга Оренбург ва Қозон шаҳарларида ўтказилган шоирнинг 80 йиллик тўйида ҳам иштирок этиш насиб этди. Қаҳрамонимизнинг оғир жароҳат олган қалбига севган шоири, қадрдон дўстнинг шеърлари ҳаминша малҳам бўлди.

Моабит!
Ҳар тонг қора булут босар осмонни,
Ҳеч ким билмас қачон осмон ёришар.
Юрак чопар Ватан томон, не гамки,
Фақат ундан олислашиб боришар?..

Тўрт томонда яшил ўрмон шовуллар,
Ҳатлар учар, қалдирғочга айланар.
Тушларига кириб чиқар пишган тут,
Бир аёл, вех, ўглин кутар шайлиб.

Қачон замин овоз қилар бағридан,
Қачон парчаланар доғ-доғ булутлар,
Золим дунё сиздан ватан қарздор —
Ватанига қайтолманг йигитлар.

Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Ҳ. Файзуллаев ва турмуш ўртоғи Муассархон, қизлари Нодира ва Милоҳат билан (ёшлик чоғи)

тахталар устида ётар экан, одам қонини сўрайдиган каналар қачиб, соғлини ёмонлашиб, кўп касал бўлганларини сўзларди. Гоҳо сўзларини тугатиб, ташқарига чиқиб йиғлаб келарди, — деб эслайди Муассархон ая. Китобдаги хотиралардан эса яна мана буларни ўқиб беради: «Франкфуртдан бизни узоқ шимол — Коми АССРнинг Кочлис деган посёлкасига жўнатишди. Тўрт юз-беш юз кишилик турухумимиздан қўшлари у ердаги элик-олтмиш даражаи совуқда музлаб қолди ва улар қафасиз кўмилди. Мени кузата туриб, қўзлариди маржон-маржон ёш қалқиб турса-да, сезирмасдан табассум қилиб турган волидамнинг нури чехраси кўз олдимга келиб, менга далда бўларди.

Барчамиз орзу қилган Ғалаба ҳам келди. Фашистлар лагердаги маҳбусларнинг ҳаммасини йўқ қилишга улгурмади. АҚШ қуроли қучлари бизни озод қилди. Лекин, минг афсуски, бизни юртимизда қучоқ очиб, гуллар билан эмас, балки тавқи-лаънат ва қишан билан қарши олишди. Мени ўз юртимда уч йил тергов қилишди. Тергов жараёнида ватанимга нисбатан бирор

оғрикларга тўла ҳаётимнинг саҳифалари очилиб борар эди».

Бу сатрларнинг давомини ўқишга бардош беролмай, кўзим жижика ёшга тўлди. Инсон иродаси тошдан қаттиқ ва мустаҳкам эканига, унга Яратган ўзининг оғир синовларини билан бирга бахтли ҳаётни ҳам ҳадя қилишининг гувоҳи бўласиз, ҳайратланасиз. 17 йиллик юрак жароҳатларин билан 9 нафар қиз фарзандини тарбиялаб, қўша-қўша неваралар кўрган Ҳабиб Файзуллаевнинг бошидан кечирганларини эшитмас, урушнинг чиркин қиёфасини хис қиламиз.

Дастурхон атрофида ўтириб, қизлари Насиббахон Файзуллаева тиканли симлар ортида умрининг энг гуллаган, навқирон йилларини ўтказган отаси Ҳабиб ака ҳақидаги хотираларни бир-бир сўзлар экан, мана бу шеърни ўқиб берди:

Отажоним!
Умр ўзи шундай экан, фироқ экан,
У дунёси бу дунёдан йироқ экан,
Ўтганларнинг хотираси чироқ экан,
Меҳрингизга яна бир бор тўйинг келди.

Ҳабиб Файзуллаев Инта шаҳрига лагерга жўнатилган кезларида оқ сурпага қора бўёқ билан ёзилган рақамли кийимлар яна унинг юрагини эзар, қўнғил эса, Яратгандан умидвор эди. Бу ерда маҳбусларнинг исм-шарифи айтилмас, рақами билан чақирилар эди. Маҳбуслар қўнма-қўн очлик ва оғир меҳнатта дош беролмай ҳаёт билан видолашар, 250 метр чуқурликдаги қўмир қониди хар қуни ушлаб маҳбуслар бахтсиз ҳодисаларга учраб ҳаётдан қўз юмарди.

— Бобонгиз ўз Ватанига қайтиш бахтини Яратгандан сўраб, умидларини узмас, кечаларини намоз ўқиб, ибодат қилар экан. Яратганининг қарам кенг. Кўп ўтмай у кишини қўмир сифатини текширувчи илдорга смена бошлиғи этиб тайинлашди. Бу вазифа олдингисига қараганда энгилроқ бўлгани

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

БОЛАЛАР БЕКАТИ

Кавсар ТУРДИЕВА

Қандай яхши

Ойинга ҳам, дадамга ҳам
Доим кулиб боқаман.
Ойинга ҳам, дадамга ҳам
Шунда жуда ёқаман.
Кўчамиздан ўтганларга
Салом бераман кулиб.
Қани ҳамма шундай қилса,
Юрмаса қовоқ уйиб.
Учрашганда бир-бирига
Фақат кулиб қараса,
Қандай яхши кимдир-кимга
Шодлигини улашса.

Нима қилмоқчи эди?

Ойи, ерни чопаман,
Кетмонимни топаман.
Кетмонимнинг «тоби йўқ»,
Ўзи бору сопи йўқ.
Чатоқ бўлди буёғи,
Кесайин дарахт шохин.
Кейин эса бирпасда
Ясаб оламан даста.
Бунинг-чун арра керак,
Аррадан йўқ-ку дарак.
Роса қидирдим, чопдим,
Охири томдан топдим.
Хўп занглабди бечора,
Чархлаш керак,
На чора?
Бунинг-чун керак эгов,
Эговни ким кўрган, хов?
Яна қидирдим,
Чопдим,
Охир эговни топдим.
Топдим-у,
Котди бошим.
Хайрон чимирдим кошим.
Ойи, эслатинг, дедим,
Нима қилмоқчи эдим?


Каттаманми ё

кичик?

Уйдагилар гапига
Баъзан хайрон қоламан.
Каттаманми мен ўзим
Ё кичкина боламан?
Чиллак ўйнасам гоҳо
Ойим айтади кулиб:
«Чангга ботиб юрибсан,
Кап-катта бола бўлиб».
Бирор гапни эшитмай,
Қайта сўрасам, дарров
Опам дер: «Аралашма,
Гаплашиб турса биров.
Ҳали жуда кичиксан
Бу гапларни билишга.
Ундан кўра қарашгин
Уйдаги у-бу ишга».
Баъзан келар соатнинг
Юришини қузатгим.
Қисмларга ажратиб,
Кейин қайта тузатгим.
Шу пайт дадам тергайди:
«Ниманиям биласан?
Соатни тузатишга
Ҳали ёшлик қиласан».
Уйдагилар гапига
Баъзан хайрон қоламан.
Каттаманми мен ўзи
Ё кичкина боламан?
Нима қилай, уларнинг
Айтганин қилолмасам.
Бир вақтда ҳам кичик,
Ҳам катта бўлдимасам.

Қайдан олган бунча ранг?

Камалакка бир қаранг,
Қайдан олган бунча ранг?
Яшил рангни ўтлоқдан,
Жигаррангни тупроқдан.
Кўм-кўк рангни осмондан,
Сарик рангни сомондан.
Қорани қаламқошдан,
Қизил рангни қуёшдан.
Шу гап ёлгон ёки рост,
Қайси ранг нимага хос?



«SOG‘LOM BOLALAR»

Таниқли болалар шоири Нуруллоҳ Остоннинг “Ўзбекистон” НМИУ нашриётида чоп этилган «Sog‘lom bolalar» деб номланган шеъррий тўплами мактаб-гача таълим-тарбия муассасалари тарбияланувчилари ҳамда кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, кичиктўлайларнинг беғубор шўхликлари, ҳайрат ва соддаликка тўла самимиятлари қаламга олинган.

Шоир ижодида табиат манзаралари, фасллардаги ўзгаришлар, ҳайвонот дунёси ажойиботлари сингари мавзулар кенг ўрин олган. Энг муҳими, шеърлар жуда қизиқарли, болалар рангин олам манзараларини кайф этиб боради. Асосийси, буларнинг барчаси бола тилидан ифодаланади. Ихчам ва ранг-баранг шеърлар бола тафаккурини, дунёқарашини кенгайтиради, уларнинг билим ва кўникмаларини оширади.

Қўйида эътиборингизга шоирнинг янги китобидан ўрин олган шеърларидан намуналар ҳавола этилмоқда.

Аёз

Қойил қолдим Фаёзга,
Парво қилмас аёзга.
Мен-чи кишига йўқроқман,
Баҳор, ёзга ўчроқман.
Фаёзга аёз ёқар,
Менинг-чи, бурним оқар...

Суюнчи

Янги меҳмон опкелдик,
Беланчакка сопкелдик.
Аразни ҳам биллади,
Ўзи силкитиб қулади.
Ўзи яхши ўйинчи,
Беринг энди суюнчи!

Қўзлар

Қаранг, бунча ям-яшил,
Қизгалдоқранг далалар.
Бунда бунча кўп экан,
Менга ўхшаш барралар.
Дикирлатиб чопаман,
Тўрт оёғим – йўргамни.
Йўқолмасин деб чўпон
Тақиб қўйди сиргамни.

Тонг йўрғаги

Очиб тонгнинг дарчасин,
Сочди қуёш зарчасин.

Қушлар бошлар навоини,
Хонши тутар ҳавонини.
Замин нурга қайилди,
Ким кўрган бу сайилни?
Мажнунтоллар нозланди,
Сувга қараб розланди.
Ечилди тун йўрғаги,
Бошланди тонг эртаги.

Чарчатак

Арикда сув шилдирар,
Чархпалагим гилдирар.
Наф тегсин деб экинга
Сув чикарар текинга.

Пахлавон

Вижир-вижир сўзлари,
Ҳайрат тўла кўзлари.
Қийқиради, қулади,
У пахлавон бўлади.

Ҳазир бўл

Сичконга қилдим хитоб,
Ғажиб қўйма кўп китоб.
Ҳазир тургил мушукка,
Қараб қўйгил эшикка.
Қара этик ямокка,
Тикилмасин томоқка!

Нуруллоҳ ОСТОН

Баҳром АКБАРОВ

Зийрак ўқувчи

Ботаника дарсида
Устоз берар кўп савол.
Билимин синаб кўрар
Синфдошлар бемалол.
– Хўш, айтинг-чи, болалар,
Тарвуз нега думалоқ?
Қовуннинг айрим тури
Ракетадай чўзинчоқ?

Жавоб бўлди бетиним,
Устоз қабул қилмасди.
Тўғри ечимни, афсус,
Қаранг, ҳеч ким билмасди.
Кўл кўтарди Тамтумбой
Энг сўнггида ийманиб.
– Майли, сен ҳам айтақол,
– Деди устоз жилмайиб.
– Устоз, – деди Тамтумбой,
– Саволингиз кўп осон.
Мен унинг ечимини
Топганман аллақачон.

Бунинг учун аслида,
Зийрак бўлиш кифоя.
Уруғни билмаса ким
Баҳоси «ноль», начора.
Тарвуз уруғини шакли,
Ойга ўхшаш думалоқ.
Сиз айтган қовунларнинг
Уруғлари узунчоқ.
Тамтумбойнинг ақлидан
Устоз ҳам хайрон қолди.
Зийраклиги учун у
Икки қарра «беш» олди.

Жўяш жавоб

Она тили дарсида,
Устоз савол беради.
Шогирдлар билиминини,
Шундай синаб кўради.
– Қани, азиз болалар,
Бирма-бир жавоб беринг.
Кофияга мисолни
Ўйлаброк айтиб кўринг:
Тамтумбой дархол туриб
– Сигир ва бия, – деди.
Иккаласи шубҳасиз
Бўлар кофия, – деди.


Устози хайрон бўлди,
Тамтумбойнинг сўзидан
– Изоҳини айтгин, – дер,
Кулги балқиб юздан.
Дадил эди Тамтумбой,
Бу саволдан кўркмасди.
Аниқ ечимни чунки
Синфдошлар билмасди.
– Икковин ҳам соғсангиз,
Қаймоқли сут беради.
Бундан ортиқ кофия
Яна қайда бўлади?!

Укка сўз

Ватан сўзи
Қалбга гурур,
Шон берар.
Она эса
Мурғак дилга
Жон берар.
Шу сабабли
Икки сўз ҳам
Суюқдир.
Она Ватан –
У ҳамшира
Буюқдир!

“GULISTON” ЖУРНАЛИ 2020 йил 2-сон

Журналнинг 2020 йилда нашр этилган 2-сонидан ҳам долзарб ва ранг-баранг мавзулардаги мақола-лар, материаллар ва суҳбатлар ўрин олган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Элмира Боситхонова билан мухбир Воҳид Лукмоновнинг “Аёллар фалонги – жамият маданиятининг кўзгусидир” сарлавҳали мулоқотида журналхонлар мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган юксак эътибор, янги ташкил этилган вазирилик олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, оила ва маҳалла соҳасида бўлаётган энг сўнгги янгилликлар ва ўзгаришлар билан танишишлари мумкин.



он ривожланиш вазириликда амалга оширилаётган ишлар юзасидан вазири Иброҳим Абдурахмонов билан суҳбат мухлисларга манзур бўлади.

Журналнинг адабий-бадиий руҳлари ҳам қизиқарли ва турфа хил бўлиб, хусусан, унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Жонузқоннинг Озарбойжон сафари таассуротлари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Алининг Амир Темурга бағишланган шеърлари, Озарбойжон халқ ёзувчиси Анорнинг “Оқ кўчкор, қора кўчкор” кассасидан боблар, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимовнинг “Урушнинг сўнгги қурбони” номли хикояси, шоира Хосият Рустамованинг насрий назмлари билан танишиш мумкин.

Шунингдек, журналнинг “Долзарб мавзу”, “Ўзбекистон музейлари”, “Шуқур Холмирзаевнинг 80 йиллиги”, “Ёднома” ва бошқа рухларидан ҳам кўплаб қизиқарли материаллар ўрин олган.

САМИМИЯТ

Биз адабий мухитнинг жуда жўшқин бир палласига гувоҳ бўлган авлодмиз. Талабалик даври-мизда катта ёзувчиларнинг янги асарлари муаллиф иштирокида муҳокама қилиниб туриларди. Адабийётимизнинг тамал тошини қўйган тирик классикларни ана ўшанда кўриб қолганмиз. Қунлардан бир куни факультетимизда атоқли ёзувчи Абдулла Қаххорнинг “Ўтмишдан эртақлар” асари муҳокама қилинадиган бўлди. Катта аудитория талабалар, домлалар билан гавжум. Сочлари жуда эрта қиров боғлаган, эзлик ёшида саксонга кирган мўйсафидни эслатувчи адиб Абдулла Қаххор хайъатда кўр тўкиб ўтирибди. Домлаларимиз — Лазиз Қаюмов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов ҳам шу ерда.

Муҳокама жуда кизгин, мароқли ўтди. Эзмалик қилувчиларни Озод ака “Нима, махсус семинарга тайёргарлик кўриб келганмиёсиз?” дея лукма ташлаб, қулдириб турди. Бир маҳал университет ректори, академик Саъди Сирожиқидиновга сўз берилди. Ўша қисқагина нутқининг дебوحаси сўзма-сўз эсимда қолган.

— Абдулла ака, — дея катта адибга бир қўз ташлаб олгач, тортиниб-қимтинибгина сўз бошлади ректор, — мен ёзувчи эмасман, гапга ҳам сизлардака устамасман...

Шу лаҳза гулдурас қарсақлар янгради. Чунки... чунки ректор ниҳоятда самимий оҳангда гапирганди. Унинг қанчалар камтарин, қанчалар содда ва айни чоғда қанчалар буюк инсон экани ана ўша бир оғизгина каломида ҳам аён бўлган эди.

Самимият олқишга сазовор фазилат эканини ўшанда билгандим.

БОБОМ

Бобалик давримни эслаганимда кўз олдимга Сайд бобом келади. Раҳматли кўп болажон, юмшоқфелд, набираларига меҳрибон одам эди. Онамнинг хикоя қилишича, бобомнинг ҳовлисида ўйнаб юрганимда бир гал катта ариқка тушиб кетган эканман. Тезоб сувда оқиб бориб қўйлақчам кўприқнинг чўпига илиниб қолади, шунда бақириб-чирқираб йиғлаган бўлсам керак, бобом келиб қолиб мени сувдан кўтариб олади. Онам раҳматли ўша воқеани “Бобонг сени бир ўлимдан кутқариб қолган!” дея эслаб қўярди. Балки бобомнинг менга иккинчи бор ҳаёт инъом этишида ҳам бир хикмат бўлгандир...

Онам ҳар гал иссиқ нон ёпганда, иккита пиёз-лисини дурага тутиб, “Бобонгга обор!” дер, шунда суюнчи гўзиллаганча бобомниқига чопиб кетардим. Бобом нонни оларкан, алқаб дуо қилар, катта боғидаги серхосил олмадан қоқиб, дурага тутиб беради. Биз талашиб-тортишиб ейдиган бу мева қимизак

олма дейиларди. Оқиш-қизғиш тусдаги, хиди, мазаси ҳам ўзгача, есангиз қарсиллаб турадиган бунақа олма навини кейинчалик кўп қидирдим, аммо топмадим. Чамаси, боболаримиз кўп нарсани ўзлари билан олиб кетишган, шекилли. Бобомдан кейин ўша катта боғнинг фойзи ҳам қолмади. Мен буларнинг ҳаммасини юрагим алланечук орзиқиб, чексиз бир армон билан эслайман.

ҚАРЗ

У бировдан катта миқдорда пул қарз олмакчи эди, аммо “биров” пулини ўз вақтида қайтарилишига ишонмагани учун тайсаллаб, пулни бергиси келмай турди. Шунда қарз олмакчи бўлган одам “биров”нинг яқин дўстини қафилликка ўтишини сўради. Дўст рози бўлиб, қафилликка ўтгач, қарз берилди. Орадан роппа роса икки ой ўтгач, иттифоқ қарз олган киши бандалик қилди. Гарчи майитга жаноза ўқилаётганда марҳумнинг ўғиллари отасининг қарзи бўлса узишга рози эканликларини тан олмиша-да, кейинчалик пул берган киши қарзни сўраб келганда қарздан тонишди. Шунда у киши ноилж кафолат берган дўстга юзланди. Дўст ўғилларни яна бир қарра инсофга ундаб кўрди. Натига чиқмагач, қарзни ўзи ойма-ой уза бошлади ва бир йил мобайнида батамом елкасидаги юкдан ҳалос бўлди.

Шодмон ОТАБЕК



‘O‘ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN‘ATI

Манзилмиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир

Салим АШУРОВ

Хамкоримиз:



akfa

Танқид ва адабийшунослик бўлими: 233-57-42

Тахририятга келган қўлёзмалар тахлил этилмайдиган ва муаллифларга қайтарилмайдиган. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адаби - 5029, Буюртма Г - 555.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташиқлотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 20.20.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотува нархи эркин.



Нам ва наср бўлими: 233-58-60